Milliy Tiklanish

Gazeta 1995 yil, 10 iyundan chiqa boshlagan

Gazeta har oyda 2 marta sechanba kuni chiqadi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining gazetasi

2003 yil, 18 mart

4 (276) son

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР, БОШҚАРИШ ТИЗИМИ ВА МУЛКДОРЛАР

Мамлакатимизда мулкдорлар табақасини шакллантириш, хусусий мулкчиликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига, миллий истиқлол ғоясининг ўзагига айланган ҳозирги шароитда мулкдорларнинг манфаат ва мақсадларини ифода этадиган, ҳимоя қиладиган ва фаолликка ундайдиган сиёсий идеологияни яратиш ҳаётий заруриятга айланди. Агар демократик жамият турли социал қатлам, синф ва гуруҳлардан иборат эканлигини, социал тенгсизлик ва социал зиддиятлар жамият ҳаёти учун нормал ва табиий ҳол эканлигини эътиборга олсак, жамиятимиздаги мавжуд социал гуруҳ ва синфларнинг идеологиясини яратиш орқалигина иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда туб ижобий ўзгаришларни амалга оширишга умид боғлаш мумкин бўлади.

Давлат ўз табиатига кўра жамиятда рўй берадиган социал-сиёсий жараёнларга нисбатан бетараф позицияда тура олмайди. Давлат демократик жамиятнинг илғор, онгли ва уюшган қатлами бўлган зиёлиларга, мулкдорлар, ўрта табақаларга кўпроқ таянсагина ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий инқирозларни муваффақиятли бартараф этиш ва тараққиётнинг кенг йўлига чиқиш имконига эга бўлиши мумкин. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, мулкдорлар синфи демократик давлатнинг социал ва сиёсий таянчидир.

Аср муаммолари

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда мулкдорлар қатламининг шаклланиши учун ҳуқуқий асос яратилди, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб қонунлар қабул қилинди ва ҳаётга жорий қилинди. Бироқ сиртдан қараганда анча мукаммал бўлган қонунларимиз реал ҳаётдаги қатор бюрократик ғовларни енгиб ўта олмаяпти. Ҳаёт мулкдорлар синфининг шаклланиши учун ҳақиқий асос яратишнинг ўзи етарли эмаслигини, балки мулкдорларнинг синф сифатида шаклланишига тўсқинлик қилаётган тамагирлик, порахўрлик, жаҳолат сингари эскича қотиб қолган қарашлар заминида уюшган бюрократик кучларга қарши мулкдорларнинг сайи ҳаракатларини бирлаштириш, бунинг учун эса аввало мулкдорлар идеологиясини яратиш ҳаётий заруриятга айланаётганлигини кўрсатмоқда.

Миллий истиқлол ғояси ўзининг мазмун-моҳиятига кўра жамиятимиздаги барча социал гуруҳ, синф ва миллатлар-

(Давоми 2-бетда.)

ДУНЁ АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА

Ўзбек фармацевтига олтин соврин

Юртини танитаман деган кишининг ҳар бир ишида ҳаёт қайнар экан. Бундай инсонлар юрак шижоати, яратувчанлик иштиёқи билан ўз соҳаси даражасини дунё тараққиёти поғоналарига бир-бир кўтаришга мардларча интилади, дунёнинг кўз олдига чиқади.

Яқинда нафақат партиямиз, миллий равнақимиз истагидаги барча учун бирдай қувончли бир хушхабар келди. «Жўрабек» — ЛТД Бош директори ва «Жўрабек» хусусий дорихонаси раҳбари, ЎзМТДП котиби Мунира Қориева Европанинг Арч (Arch) халқаро ташкилотининг (International Arch of Europe Award) олтин совринига сазовор бўлди.

Биз жасоратли тадбиркор, фидойи инсон Мунира опа Қориевадан мазкур халқаро ташкилот ва унинг мукофоти ҳақида сўзлаб беришни сўрадик.

— Европанинг халқаро Арч ташкилоти 1964 йилдан буён фаолият кўрсатиб келади. Ҳар йили унинг олмос, олтин ва бронза совринлари тақдимоти тантанали равишда бўлиб ўтади. Ўз соҳасини жаҳон даражаларида ўзлаштирган, изланувчан, илғор кишилар самарали фаолияти учун барча соҳалар бўйича махсус комиссия танлови асосида бу мукофотларга муносиб деб топилади. Танлов жараёни мукофотланувчининг иштирокисиз амалга ошади. Шу боис мен ўз номзодим улар назаридан ўтаётганини билмаганман. Иш фаолиятимни замонавий информациялар орқали ўзлари ўрганиб чиқиб шундай нуфузли мукофотга лойиқ деб топишибди. Корхонамиз электрон почтаси орқали тақдимот маросимга бу ҳақда билдирилган таклифнома келганида, очиғи, ишониб-ишонқирамай улар билан боғландим. Мен шу пайтгача ҳамкорлик ишларимиз, ёки малака ошириб келиш юзасидан хориж мамлакатларида бўлардим, таклиф қилишарди. Бу галги таклиф бизнинг соҳамиздаги ютуқлар ҳам дунёда эътироф этилаётганини ифодалаб турарди.

Илк баҳорнинг 1-3 март кунлари Германиянинг Франкфурт шаҳридаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида дунёнинг 165 мамлакатидан таклиф қилинган меҳмонларга ташкилотнинг 3 турдаги совринларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Халқаро соврин биз ишлаб чиқараётган дори маҳсулотларининг сифати даражасини ҳар томонлама ҳисобга олиб муносиб кўрилди.

— Фирмангиз дунёнинг қайси мамлакатлари фирмалари билан ҳамкорлик ўрнатган?

— Биз ўз соҳамизда кўплаб етакчи фирмалар билан ҳамкорликда тижорат ва ишлаб чиқариш бўйича иш олиб бормоқдамиз. Германиянинг 4 та фирмаси, АҚШ, Франция, Ҳиндистон, Англия, Швецария, Венгрия, Словения, Словакия ва бошқа мамлакатларнинг дунёда етакчи қатор фирмалари билан алоқа ўрнатганмиз. Улардан халқимиз учун зарур дори-дармонлар олиб келиш йўлга қўйилган. АҚШ ва Полша давлатларининг фирмалари билан ҳамкорликда қўшма корхонамизда бир неча турдаги дориларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Молиявий манбаларимизни ҳам мустаҳкамлаш мақсадида халқаро банклар билан алоқа ўрнатиб кредит ҳисобига йилдан-йилга янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этмоқдамиз. Бундай ҳамкорликлар натижасида доришунослик соҳасида ўзимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражага кўтарилиб бораётгани мамлакатимизнинг обрўси, албатта.

Мен ҳар бир соҳага замонавий технологиялар тўла тадбиқ этилишини, кишиларимиз юртимизнинг қайси жойида, қайси иш нуқтасида бўмасин, ўз мутахассислигига доир кенг қамровли замонавий информацияларга эга бўлиши ва ўз фаолиятини улар асосида ташкил этишини истар эдим. Бу билан бизга дунё миқёслари, ишлаб чиқариш уфқлари янада кенгроқ очилаверади.

Дилором ҚУЗИЖОН суҳбатлашди



Суратда: (чапдан) Ташкилотнинг сифат бўйича директори Алфонсо Касал, «Жўрабек» менежери Сардор Қориев ва корхона Бош директори Мунира Қориева

НАВРЎЗДАН НАВРЎЗГАЧА

Наврўздан наврўзгача – умр дафтарининг бир вараги. Умидли дунёда ҳар кимнинг ҳам ҳаёт мазмуни ўз қимматига эга, умрнинг ҳар дами азиз.

Биз Наврўздан Наврўзгача ўтган дамлар ҳаётингизда қандай из қолдирди, нималарни умр китобингизга битди, ёддан чиқмас таассуротларингиз нималар, мазмунидаги саволлар билан кўпчиликка мурожаат этдик. Кимдир таассуротларини узоқ ҳикоя қилса, кимдир "икки-уч жумла бўларлик гап" дейди, бир нечалари "етиб келдик, шунисига шукр" дейишади мухтасаргина қилиб.

Зиёли дўстларимизнинг қуйидаги мулоҳазалари билан танишиб, сиз ҳам шундай саволлар атрофида ўз-ўзингизга бир сарҳисобдай фикр юритасиз, деб ўйлаймиз.

ГАЗЕТА ВА ИҚТИСОД

"Миллий тикланиш" қандай чоп этиляпти?

Партиялар ҳаёт фаолиятини, ўз ғоялари тарғиботи, халқ билан мулоқоти – фуқаролар билан биргаликда ишлашини уларнинг нашри бўлган газеталарсиз тасаввур қилиб бўлмайди, албатта. Айниқса, бугунги кунда биздаги аксарият партияларнинг мавжудлигини, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги мавқеи, куч ва иродасини, имконият манбаларини, бир сўз билан айтганда, партиянинг қиёфасини белгилаб-билдириб турувчи ягона сезиларли омил асосан уларнинг газеталари бўлиб қолмоқда. Шундай экан, партиялар нашрларининг узилишларсиз, мунтазам чиқиб туриши – партиянинг юраги уриб туришидай гап, улар учун ҳаёт қадар зарур эканлигини ҳис қилиш қийин эмас.

Хусусан, ЎзМТДП нашри – "Миллий тикланиш" газетасининг ўтган йилги йиллик молиявий ҳисоботи нуқтаи назаридан қараб қандай хулосалар қилиш мумкин, газета партия нашри сифатида намоён бўлиши, ишлаши учун қандай имкониятларга эга бўлди ва у қандай ишлади деган каби саволларга бир сарҳисоб ўрнида жавоб беришни истадик. Эҳтимол, бу мухлисларимизнинг ҳам кўнглидан кечаётган саволлардир. Рақамлар тилида эътиборингизга ҳавола қилинаётган бу таҳлиллар партиямиз нашри қандай ҳаёт кечираётгани ҳақида мухлисларимизга маълум маънода аниқ тасаввурлар бериши шубҳасиз.

Маълумингизки, 2003 йилгача "МТ"ни ҳафталик нашр сифатида йилига 52 марта чоп этиш белгилаб келинган. Лекин кейинги икки-уч йил, айниқса, 2002 йилда газета нашри юқоридаги миқдор даражасига кўтарила олмаганлигини мухлисларимиз ва нашрларни кузатиб, улар юзасидан таҳлил, тадқиқот олиб борувчи кишилар яхши билади. Бир қарашда бу маблағни олдиндан тўлаган обуначилар олдида таҳририят қарздор бўлиб қолаётганини кўрсатади. Газета нумерациясини маълум даражада меъёрлаштириб туриш учун ҳажми ўзгармаган ҳолда битта сонни қўшимча сонлар билан белгилаш кузатилганлиги ҳам кўпчиликда савол туғдириши мумкин.

Энди рақамларга мурожаат қилайлик:

2002 йилда "Миллий тикланиш" газетаси нумерациясида жами 23 та сон қайд қилинди. "МТ" ўз мухлислари, обуначилари қўлига чоп этилиш нуқтаи назаридан эса 10 марта етиб борди. Қўшимча сонларни инобатга олмасдан фақат амалдаги 10 марта чиққанлиги асосида газетанинг таннархи билан обуна ва чакана савдо харажатларини солиштириб кўрилганда қуйидаги ҳолатни кузатамиз.

Газета бир йилда 10 марта – жами 20375 та нусхада чоп этилди. шундан 6389 таси "Матбуот тарқатувчи" АК орқали, 912 таси "Тошкент почтамти" АЖ орқали, жами 7301 нусха обуначилар қўлига етиб борди. Ҳисоб рақамимизга обунадан тушган бир йиллик маблағ "Матбуот тарқатувчи" АК – 1 млн. 324 минг 540 сўм, "Тошкент почтамти" АЖ – 279 минг сўм, жами 1 млн. 603 минг 540 сўмни ташкил этди. (Мазкур маблағнинг 249 минг сўми 2001 йил декабрь ойининг охирида ҳисоб рақамимизга тушган). Мазкур йилдаги газетанинг ҳар бир нусхасига таҳририят нархи обуна – 60 сўм, чакана – 40 сўм қилиб белгиланди. Шу ўринда газета ҳар бир нусхасининг таҳририят учун таннархи 2002 йилда 131 сўмдан тушганлигини қайд қилиб ўтиш зарур. Кези келганда таҳририят газетага ўз нархларини мазкур миқдордан келиб чиқиб белгиланмаганлигини бироз изоҳлаб ўтсак. Гап шундаки, газетанинг таҳририят нархларига почта ҳаражатлари қўшилганда улар жуда ортиб, биз учун таннархни тўлиқ инобатга олавермаслик заруратини ҳосил қилади. Акс ҳолда, мавжуд обуначилар сони кескин камайиши, бундан таҳририятга обунадан келадиган маблағ миқдори деярли йўққа чиқиши мумкин.

Шундай қилиб, таҳририят ўзи белгилаган обуна нархи ҳисобида 2002 йилда обуначиларга жами 7301 нусха газета етказиб берди.

Хўш, ўтган 2002 йилда "МТ" таҳририятининг сарф-харажатлари ва даромадлари қандай бўлди? Ҳисобот шуни кўрсатмоқдаки, таҳририят мазкур йилда 2 млн. 458 минг 800 сўмлик даромад қилган, унинг харажатлар миқдори 2 млн. 672 минг 700 сўмга етганлиги сабабли газета йилни зарар билан якунлаган. Юқорида қайд қилинган даромаднинг 1 млн. 50 минг сўми асосан ҳомийлар кўрсатган ёрдам ва қисман реклама маблағлари, унинг 43919 сўми чакана савдодан тушган даромаддир. Таҳририят харажатлари асосан нималардан иборат бўлганлигини қуйида бироз изоҳлаймиз:

Таҳририят ходимларининг ойлик маоши – 984 минг 100 сўм/ойлик маошдан даромад (подоход) солиғини қўшиб ҳисоблаганда).

Босмахона харажатлари – 515 минг 600 сўм.

Ойлик маошдан 40 фоизлик пенсия жамғармаси солиғи ва бандлик хизмати – 364 минг сўм.

Телефон хизмати, шунингдек, кичик миқдордаги турли солиқлар, банк хизмати ва бошқа майда харажатлар.

Албатта молиявий ҳисоб-китобда, дейлик, 2002 йилда тушган маблағнинг ўтган (2001) йилги қарзларга тўланган қисми 2002 йил харажатлари ҳисобига киритилмаслигини мутахассислар яхши билишади. Бу эса харажатларга кирмаганлиги сабабли бундай қарзни тўлаш мақсадида топилган пулдан даромад солиғи олинишини ҳам назарда тутиб имкониятлар излашни, қарздан қутулиш учун етарли миқдордан кўпроқ маблағ топиш заруратини юзага келтиради. (Хусусан, 2001 йил учун шундай ҳисоб-китоблар сабабли таҳририят амалда фойда кўрмаса ҳам фойда кўрганлик тарзида 297 минг сўм даромад солиғи тўлаганлигини қайд қилишимиз мумкин). Демак, зарар билан чиқилган бўлса-да, ўтган йилги қарзни бу йил харажатидан ташқари тўлашда яна юқоридаги ҳолат такрорланади ва бу йилдан-йилга ўтиб бораверади.

Шунингдек, баъзи (бюджетдан ташқари мажбурий тўловлар) тўловлар таҳририят ҳисоб рақамига маблағ келиб тушиши билан инкасса бўйича автоматик равишда амалга ошади. Иқтисодий қийинчилик шароитида хўжалик ҳисобида фаолият юритаётган газета учун обунадан тушган даромадларни фақат газета чиқаришга сарфлаш имкониятлари ҳамиша ҳам мавжуд бўлавермайди.

Газетанинг мунтазам чиқиб турмаслиги мухлисларда уни харид қилишга бўлган эҳтиёж кўникмасининг сусайишига олиб келади. Ёки аксинча, унинг ҳар доим мухлислар ҳузурига кириб бориши газетага бўлган талабга ижобий таъсир кўрсатади. Кишилар унга чинакам сўз минбари сифатида қараб, ўзлари ҳам бу минбарда ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ҳаётий муаммоларни ўртага ташлайдилар, эркин сўз минбарига интиладилар. Шу маънода 2003 йилда ўтган йилга нисбатан газетанинг чакана савдосида ижобий силжишлар кузатилаётганини таъкидлашимиз мумкин. Ўтган йилда бу жиҳатдан жами 43919 сўм маблағ қайд этилган бўлса, бу йил "МТ"нинг чакана савдосидан шу бугунгача жами 86318 сўм маблағ ҳисоб рақамимизга келиб тушди.

Таҳририят кейинги йиллардаги иқтисодий қийинчиликлар, газета чиқаришдаги молиявий муаммоларни йил охирида таҳлил қилиб бу йил январ ойидан бошлаб уни ҳар ойда 2 марта чоп этишни режалаштирди. Обуна нархи шунга асосан белгиланди ва қабул қилинди. 2003 йил учун газета ҳар бир нусхасининг таҳририят нархи обуна – 120 сўм, чакана – 100 сўм деб қайд қилинган бўлса, март ойидан бошлаб газетанинг янада харидорлигини таъминлаш мақсадида унинг чакана нархи 20 сўмга арзонлаштирилди. 2003 йилги обунадан тушган даромад ҳозирча 1 млн. 500 минг сўмни ташкил этиб турибди. Обуна йил бўйи давом этаётганини назарда тутиб бу маблағ миқдори яна бироз ортади дейишимиз мумкин. Таҳририят сметасига назар ташлаб, газета нашр сифатида йил бўйи ўртача фаолият юритиш учун 10 млн. сўмга яқин маблағ талаб қилинишини кузатамиз.

Таҳририят "МТ"ни қўллаб-қувватлаб унга саминий мадад берган мухлислар ва ҳомийларни – миллатсевар инсонларни ҳамиша қадрлайди, газета орқали улар ҳузурига ошиқади. Эркин сўз ижрочиси бўлишга, сизнинг чинакам минбарингизга айланишга интилади (миллий ғоялар ҳаёти учун, халқона айтганда, сув келса симириб, тош келса кемиради...) Юраги сиз билан, партия билан ҳамнафас уриб турган, миллий равнақимиз йўлида ўзига имкон топиб, хайриҳоҳлар излаб, улар мададига суяниб ишлаётган, ҳар қандай қийинчиликларга қарамай мухлислар ҳузурига ошиқаётган "Миллий тикланиш" газетамиз яхши умидлар билан Наврўз арафасида, шукрким, сиз билан дийдорлашиб турибди. Ўз муассиси партиянинг наврўзий овози бўлиб ўз минбарида сўз айтмоқда.

Энг зарур гап бугунги кунда шуки, ҳозирги пайтда мураккаб бозор иқтисоди шароитида газета-журнал чиқариш, тарқатишнинг иқтисодий асослари ҳақида фикр юритарканмиз, обуначидан ўзга суянчи, мадади бўлмаган, қатъий ижтимоий-сиёсий йўналишдаги нашрларга уларни чоп этиш, тарқатиш, ўз фаолияти билан шуғулланишларида энг зарур солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имкониятларини яратиш – давлатнинг ўз матбуотига чинакам ёрдами, ғамхўрлиги бўлиб, бу – газета-журналларнинг мустаҳкам оёққа туришида, эркин жамият учун тўлиқ хизмат қилишига, қарам ва ночор аҳволга тушиб қолмасликларига қаратилган чорайи тадбир, қолаверса, чин давлатона сиёсатнинг намунаси бўлар эди, деб умид қиламиз. Газеталарнинг бироз бўлса-да, қад ростлаши, қанот ёзиши учун бу бизнинг ўтиш шароитимизда бирдан бир чорадир.

Газетамизнинг муассиси бўлган ЎзМТДПнинг ҳам молиявий таъминоти, қандай асосда фаолият олиб бораётгани ҳақида аъзоларимиз, кенг хайриҳоҳларимиз, мухлисларимизни хабардор қилиш ҳам муҳимлигини назарда тутиб, келгуси сонларимизда бу ҳақда батафсил маълумот билан чиқишни мўлжаллаймиз.

Дилором МАТКАРИМОВА,
"МТ" бош муҳаррири ўринбосари

СЕВИМЛИ МУХЛИСЛАРИМИЗ!

«Миллий тикланиш» газетасига келгуси ойлар учун обуна давом этмоқда. «МТ»га барча почта алоқа бўлимларида ёзилишингиз мумкин.

Нашр индекси: 158

ҒОЛИБ ҚАЙТИШГАНДА...

Қутлибека РАҲИМБОЕВА

Қизим, ўғлим улғайди, яна Наврўзга етдик. Сукунат бағрида жаранг уйғонгани бир қувонч, қора тиканларда қизил чечаклар очилгани яна бир қувонч. Бужур тошларнинг лолаларга она эканини кўрдик: ҳурматимиз ошди.

Дунёда она учун фарзандлари бахш этган қувончдан ортиқроқ қувонч йўқ. Қизим ўрта мактабни имтиёзли тугатиб, Республика рассомлик коллежига ўқишга кирди. Аввалларги кичик-кичик мақолалар ёзарди, инглиз, рус тилларидан эртак, ҳикоялар таржима қила бошлади. Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги гимназияда «аъло» баҳоларга ўқиётган ўғлим ҳам опасига эргашиб таржимага иштиёқ бошлади. Ҳар иккининг кичик таржималари матбуотда эълон қилиняпти. Уларда адабиётга ҳавас баробарида ватанпарварлик туйғулари шаклланаётгани мен учун жуда ёқимли. Иккови ҳам футболнинг ашаддий ишқибозлари. Айниқса, бизнинг командаларимиз ҳалқаро мусобақаларда қатнашса, ишқибозликлари одам ҳавас қиладиган даражага етади. Ғолиб қайтишса, тайёрагоҳга гуллар билан кутгани чиқишади. Ўз майдонларимизда ўйнашса, махсус расмлар, қўллаб-қувватловчи ишоралар ясаб, тутқичлар ўрнатиб, томошага кетишади. Ютқизишса, йиғлашади. Мен уларнинг тили билан дили бир улғаяётганларидан, Ватан қувончларига ростакам қувонаётганларидан суюнаман.

Яна Наврўздан Наврўзгача «Кўксимдаги Тангритоғ» номли кичкина шеърий тўпламим чоп этилди. Ўзимга азиз шеърларим кирди бу тўпламга, бир бош ўсдим.

... Яна бир воқеани алоҳида айтгим келади. Юмалаб, югуриб бу дунёда 50 ёш яшабмиз. Кутилмаганда хизмат сафарига борганда Амударёлик шеърсеварлар ҳеч кимнинг буйруғи, кўрсатмаларисиз ижодий кеча қилиб юборишди. Шеърни яхши кўрадиганлар борлигидан қувондим.

Ўрик гулидан ўрик гулига етгунча кўп йўқотишлар ҳам кўрдим. Азият чекдим. Аммо юрагимдаги ўзим сиғинган муқаддас ҳиссиётларни майдаламай, яна бир Янги Кунга насибам қўшилганидан тангримга шукрларим кўп.

ГАП НИМАДА?

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ

Ўтган Наврўзни Москвада кутиб олишга тўғри келганди – кутубхона ходимларининг халқаро анжуманига бордик. Наврўзий йил ўртаси – октябрнинг бошларида эса Чўлпонотада, Марказий Осиё давлатлари кутубхоначилари йиғилишида бўлдим. Бир йил ичида-наврўздан наврўзга қадар эсимда қолган, менга энг кўп таъсир қилгани ана шу икки сафар ва унинг натижалари бўлди. У ёқларда ҳамма китоб ўқир экан! Ҳамма жойда – транспортда ҳам, дам олаётганларида ҳам.

Гап шундаки, ахборот асри бўлади деб башорат қилинаётган XXI асрнинг бошлариданоқ ёш мустақил давлатлар ҳам умумдунёвий тараққиётга тенглашиб қадам ташлашга ҳаракат қилаяпти. Бу эса, ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Чет элларнинг турли инвестицияларини жалб қиламизми, ё яна мингта қўшма корхона очамизми, барибир, агар бутун халқимиз ўқимаса (дипломли бўлишни айтаётганим йўқ), билимнинг теранлиги ва илмга иштиёқ борасида ҳам чет элликларга таассиб қилмасак, бўлмас экан. Ана шундагина бизнинг ўз "моторимиз" ўт олади, мамлакат юкини торта олади.

Фикримча, бунинг йўли, чораси битта. Китобхонлик камайиб кетаяпти, кутубхоналарга ўқувчи кам келаяпти, юксак савияли китоблар кам, деб одамларни "инсофга чақириш", илмнинг фойдасини уқтиришнинг ўзи кифоя қилмайди. Мен Москвада ҳам, Бишкеку Олмаотада ҳам кўрдим – кутубхоналар одам билан лиқ тўла. Сабаби эса битта – ўқиган, юксак маданиятли, мамлакатга фойда етказадиган, теран билимли, малакали интеллигенция вакиллари ўқимаган, бир амаллаб кунини ўтказадиган одамлардан яхшироқ яшаса ва буни одамлар кўриб турса – ҳамма ўқийди, юрт ривожланади.

Эндиги наврўзларда ҳам омон бўлайлик, кутубхоналаримиз билимга чанқоқ ёшлар билан тўлиб-тошсин ва ана ўшанда ушбу газетамизга китобхонлик юксалаётганини далиллаб, мамнуният билан ёзишлар ҳам насиб қилсин.

БАЙРАМЛИ КУНЛАР

Дилором ИСМОИЛОВА

Одам нимадан хурсанд бўлади? Эшигидан жигари йўқлаб келса, адолат қарор топса, яна, яна...

«Миллий тикланиш»нинг обуначилари кўпайса. Шахсан мен шу газетанинг янги сони ҳар сешанба столим устида турса дейман. Қувонадиган нарсаларимнинг чеки йўқдек. Тўғри-да, севинишни истаган одам учун севинчли кунлар топилаверади. Фақат осмон мусаффо, замонамиз тинч бўлса бас.

Биз тақвимда қизил рангда белгиланган кунларни байрам сифатида нишонлашга ўрганиб қолганмиз. Аслида саломатликда ўтган ҳар даминг, тинч ўтган ҳар кунинг байрам эмасми? Оддий кунларнинг бирида болаларим билан укамникига бордик. Келиним, жиянларим билан уйда яхшигина кинофилм кўрдик, ўйин-кулгу қилдик. Қайтаётиб, йўлда ишдан келаётган укамни учратдим, сўрашдик. Сизларникидан келяпмиз, байрам қилдик, дедим. У байрам деганимга ҳайрон бўлди, «қанақа байрам, билмай қолибману?» дейди. Тинч, соғ-омонликда ўтган ҳар кунинг байрам-да, дейман кулиб.

Бундоқ ўйлаб қарасам, Наврўздан Наврўзгача қанча сувлар оқиб ўтади. Инсонмиз-да, ҳаётимизда нурли, нурсиз кунлар бўлади. Лекин хурсандчилик излаганга хурсандчилик топилаверади. Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё, деганларидек. Кун сайин ўсаётган фарзандларимнинг бўйига қараб қувонсам, кўзига қараб суюнаман. Яхши китоб ўқисам, ёзган нарсамдан кўнглим тўлса, қувонаман. илоҳим ҳаммани қувончли кунларга етказсин, ҳар кимнинг излагани қувонч бўлсин...

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР, БОШҚАРИШ ТИЗИМИ ВА МУЛКДОРЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

нинг манфаат ва мақсадларини ифода этади. У ўз олдига асосан икки муҳим мақсадни қўяди. Биринчиси – мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликни қарор топтириш ва комил инсон шахсини шакллантиришдир. Иккинчиси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир.

Идеология ("ғоя тўғрисидаги таълимот") конкрет синф ёки социал гуруҳнинг ғоялари системаси ва уларни амалга оширишнинг усул ва воситалари мажмуаси сифатида ижтимоий тараққиёт учун хизмат қилади.

Мафкура ва идеология тушунчаларининг ўзаро муносабати умумийлик ва айримликнинг ўзаро муносабати сингаридир. Бутун халқ манфаатлари билан бир қаторда синфий манфаатлар ҳам мавжуд бўлиб, умумий манфаатларни англаш жамият аъзоларини ўзаро тотувлик ва ҳамжиҳатликка даъват этади. Жамиятни ташкил этувчи социал синфлар, гуруҳлар идеология орқали манфаатлари ва мақсадларини англагач, ғояларини амалга ошириш учун ҳаракатга келадилар. Идеология ижтимоий ҳаракатлар ўртасидаги рақобатни кучайтиради.

Агар социал рақобатлар ҳаракати партиялар томонидан бошқарилса, ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилиши мумкин – ҳозирги замон конфликтология фанининг муҳим хулосаларидан бири ана шудир. Социал рақобатлар социал системани, социал гуруҳларни янада жипслаштиришга, уларнинг курашчанлик қобилиятини оширишга имкон беради.

Шуларни назарда тутганда, назаримизда мулкдорларнинг идеологиясини яратиш жамиятшунос олимлар, сиёсатчилар, маданият арбобларининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб турибди.

Бозор муносабатлари шароитида жамият фаровонлиги, юрт ободончилиги, фан-техника равнақи, ижтимоий адолат ва барқарорликни қарор топиши мулкдорларнинг шаклланиши, қад ростлаши, фаоллашувига бевосита боғлиқдир. Чунки улар ҳаётда ўзларини тутиб олганлар ва келажак ҳақида бош қотиришга, ҳаёт етишмовчиликларидан юқорироқ кўтарилиб позитив фикрлаш имкониятига эгадирлар.

Бинобарин, ўзбек интеллигенциясининг мулкдорлар идеологиясини яратиш, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, мулкдорлар синфининг жамият социал-сиёсий структурасидаги ўрни ва ролини белгилаш орқали янги ҳаётнинг тамал тоши қўйилади. Сиёсий идеология шаклланмаса, сиёсий партия вужудга келмайди. Ким билсин, балки бу кейинчалик мулкдорлар сиёсий партиясининг вужудга келишига бир туртки бўлар.

Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган "кучли давлатдан кучли жамият сари" тамойили ўзининг асл моҳиятига кўра демократик жамиятнинг сиёсий системасида давлатнинг танҳо ва мутлақ ҳукмронлигига чек қўйишни, гражданларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, нодавлат ташкилотларнинг ва биринчи навбатда сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини кучайтиришни тақозо этади. Моҳиятан ҳамма нарсани ўзим қиламан деган кучли давлат гражданлик жамиятининг шаклланишига имкон бермайди. Бу парадоксал ҳодиса.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, мамлакат хавфсизлиги ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (милиция, суд, прокуратура), миллий хавфсизлик хизмати органлари (МХХ) фаолиятини кучайтиришга, уларга имтиёзлар яратишга алоҳида эътибор берилди. Бироқ, нега аҳолининг айрим қатламлари ижтимоий ўзгаришларга бутунлай лоқайд қарай бошлади? Бунга порахўрлик, коррупция сабабчи эмасми? Уларни жиловлашда йўл қўйилаётган хатоликларнинг бир учи ҳадиксирашларга айланиб кетмаяптими? Булар демократик жамият табиатига бутунлай ёт кайфиятларни туғдирмайдими? Ахир демократия тўлалигича шахс эркинлигига, ақл ва тафаккур салтанатига, қонун устуворлигига, халқ ташаббуси ва ижодкорлигига, партияларнинг равнақига таянади.

Президент И. Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлис IX сессиясида таъкидлаганидек, жамиятимиз ҳаётида, сиёсий бошқарув соҳасида тўпланиб қолган муаммоларни оқилона ҳал этиш учун нодавлат ташкилотлар фаолиятини кучайтириш, сиёсий ҳаётни демократиялаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ҳаётий заруриятга айланди.

Биздаги аксарият мансабдор шахслар, арбоблар сиёсий партияларга лоқайдлик билан қарайдилар, ўзларини четга тортадилар. Уларда партияларнинг жамиятда фаол кучга айланишига ишонч йўқ. Ҳолбуки, ғоя инсонни ҳаракатга келтирадиган, унинг ҳаёти ва фаолиятига мазмун берадиган маънавий куч экан, аввало ғояларни ҳаракатга келтирадиган илғор кучлар бошқарувда ўз сўзларини айтишлари либерализм учун муҳим аҳамият касб этади.

Аср муаммолари

Бирон бир сиёсий маслакка, ғояга эга бўлмаган кишилар ҳокимиятга, лавозимга бойлик орттириш, бошқалар устидан зўравонлик қилиш воситаси сифатида қарайдилар.

Ҳолбуки, инсоният тарихида чуқур из қолдирган улуғ аждодларимиз, олимлар, сиёсат ва маданият арбоблари ҳокимиятга, фанга, санъатга тирикчилик ўтказиш, бойлик орттириш воситаси деб эмас, балки илғор ғояни амалга ошириш воситаси деб қараганлар.

Демократик жамиятда сиёсий партиялар илғор ғояларни ишлаб чиқадиган, тарғиб қиладиган ва шу орқали комил инсон шахсини тарбиялайдиган, янги ҳаёт тартиб-низомларини илгари сурадиган энг муҳим жамият институтлари ҳисобланади.

Хўш, сиёсий партиялар шахс ва жамиятга нима беради? Сиёсий партиялар, аввало, шахсга илғор ғоя беради, сиёсий курашга ўргатади, унинг ташкилотчилик қобилиятларини чиниқтиради, ўз "мен"лигини қарор топтириш учун қулай имконият яратади. Сиёсий партиялар демократик жамиятни давлатнинг, мансабдор шахсларнинг зўравонлигидан қутқаради, сиёсий бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга ёрдам беради, сиёсий рақобат муҳитини яратади, сиёсий ҳокимият тепасига билимдон, доно ва халқпарвар сиёсатчиларнинг келиши, ижтимоий адолатнинг қарор топиши учун қулай шароит яратади.

Хуллас, демократик жамиятда сиёсий партиялар ижтимоий-сиёсий жараёнларни тезлаштирувчи, ижтимоий тараққиётни жадаллаштирувчи муҳим социал-сиёсий омилдир. Сиёсий партиялар ўз сафларида у ёки бу синф, социал гуруҳларнинг энг онгли, уюшган ва фаол вакилларини бирлаштирадилар. Сиёсий партиялар тимсолида бир маслак ва ғояга эга бўлган кишиларнинг онги ва иродаси шаклланади. Жамиятимиз ҳаётида тўпланиб қолган ғоят долзарб ва мураккаб муаммоларни тез ва оқилона ҳал этиш ҳаётий заруриятга айланган экан, сиёсий партиялар уюшган сиёсий куч сифатида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий масалаларни оқилона ҳал этишда муҳим рол ўйнаши табиий.

Қодиркул РЎЗМАТЗОДА,
фалсафа фанлари номзоди,
доцент

ҚАҲРАМОНЛИК ШУНДАЙ БЎЛАДИ!

Ёзувчи нигоҳи

Озод Шарафиддиновни 1961 йилда таниганман.

Чилонзордаги китоб дўконида ишлардим. Бир куни қалами бекасам кийган ёш бир киши дўконга кириб келди. Унинг кириб келишиёқ эътиборимни тортди. Ниҳоятда шижоатли эди. Китобларни кўриб, анчагинасини олар эди. Мен унинг бутун ҳаракатига лол бўлиб ўтирардим. Бу киши ўша ердаги ёзувчилар уйида турадиган Озод Шарафиддинов экан.

Озод ака тез-тез, ҳафтасига уч-тўрт марта кириб, кўп-кўп китоб харид қиларди. Мен унга мафтунона термулиб қолаверар эдим.

Адабиётга ишқибозман, шеър ёзаман, бошқа китоблар қаторида танқидий мақолаларни ҳам ўқийман. Озод Шарафиддиновнинг мақолалари бутунлай бошқача бўларди. У ўша пайтда ҳеч ким танқид қилолмайдиган Уйғун домлани, ҳатто буюк Ғафур Ғуломни ҳам танқид қилган! Ҳайрон қолардим!

Шундан кейин Озод аканинг мақолалари, китобларини қидириб топиб ўқийдиган бўлдим. Ҳаммаси ажойиб! Фикрлар янги, жасурона!

Кейин танишиб ҳам олдик. Озод ака университетда домла экан. Ёзувчилар уюшмасидаги йиғилишларнинг ҳаммасига келар, албатта сўзга ҳам чиқар эди. Ўша-ўша, яна янги, жасур фикрлар!

Энг қизиғи, Озод ака бурро гапирмасди. Ҳар бир гапини ўйлаб-ўйлаб гапирарди. Чиқиши билан булбулигўё бўлиб сайрайдиган ҳамкасбларининг олдида гўё "ношуд" бўлиб қоларди. Ҳолбуки, домлалик "сайраш"ни тақозо қилади. Аммо, Озод Шарафиддинов фақат фикр қилаётганда...

Озод ака, уйи тўла китоб, жуда кўп ўқийди, жуда кўп ёзади, таржима қилади, шахмат ўйнайди. Бу ишларга кеча-кундуз йигирма беш соат бўлса ҳам етмайди. "Афанди" газетаси бош муҳаррири билан суҳбатида бироз лоф урибдилар: "Эркин Воҳидовни ютиш осон эмас, Раҳматилла Иноғомовни ҳам". Ҳа, майли, шоҳмот лофи, ваҳимаси билан қизиқ.

Таржимада бир марта ҳамкорлик қилганмиз. "Унутилган най навоси" филмининг матнини Озод ака, шеърларини мен ўгирганман. Жуда кўп ҳажвий китоблар, латифаларни таржима қилган. Нашриётда ички тақриз бўларди. Озод ака ана шу, ички тақриз ёзишга ҳам вақт топарди!

Танқидчи, тақризчи, таржимон Озод Шарафиддинов ҳақида билганларим асосан шулар. Аммо шунинг ўзи ҳам бир неча киши қиладиган иш ахир!

Озод Шарафиддиновни таниганимга қирқ икки йил, ўқий бошлаганимга қирқ йил бўлса, шунча йилдан бери у кишини суяман, эъзозлайман.

Бу мақолани ёзишга Озод аканинг "Ўзбекистон адабиёти ва санъати"да эълон қилинган "Ҳамкорликда гап кўп" деган Салмон Рушдийга мактуби ундади. Унинг "Шайтон оятлари"ни топиб ўқибди!

Бу мактубнинг ўзи ҳам қаҳрамонлик деб биламан. Ҳар қаламкашнинг қўлидан келаверадиган иш эмас.

Озод ака Рушдий қарашларининг моҳиятини очиб ташлабди. Рушдийнинг хашаги чиқибди.

Рушдий каттагина китобида илоҳий сура, оятларни ўзича "талқин" қилиб, пайғамбарлар устидан кулган. Шаккоклик, муртадлик эви билан-да!

Раҳмат, Озод ака! Барчамизнинг кўзимизни очиб, ҳушёрликка, огоҳликка даъват қилдингиз. Айниқса, ваҳҳобийлар, "ҳизби таҳрир"чилар, яна бошқа оқимлар кўпайиб, турли фитналар уюштираётган ҳозирги пайтда бу даъват жуда керак эди!

Энди яна Озод ака ҳақида бир-икки оғиз гап. Мен у кишининг ҳозирги Туроб Тўла кўчасидаги уйида кўп бўлганман. Девор тўла китоб. Ҳақиқий зиёли, олим хонадони!

"Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони ҳар кимга ҳам берилавермайди. Ёзувчилардан Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Саид Аҳмадгина бу шарафга муяссар бўлган эди. Мана, энди Сиз тақдингиз саккиз қиррали олтин юлдузли олий нишонни! Яна бир бор муборак бўлсин!

Озод ака!

Кўп йиллар яшанг, фарзандлар, набиралар камолини кўринг. Аямиз билан биргаликда, албатта. Сиз бир киши эмас, ҳатто бир неча киши қилолмайдиган ишни қиляпсиз. Шу меҳнатларнинг раҳматини, роҳатини кўриб юраверинг!

Камоли эҳтиром ила:

Сизнинг қаламингизга мансуб мақола, китоб, таржима, тақризларни қидириб топиб, ўқийдиган мухлисларингиздан бири.

Машраб БОБОЕВ



БУНДАН ҚИРҚ ЙИЛ МУҚАДДАМ ОЛИНГАН СУРАТ
Абдулла ҚАҲҲОР, Эътибор ОХУНОВА, Озод ШАРАФИДДИНОВ
Дўрмон. Абдулла Қаҳҳорнинг чорбоғи. 1963 йил, август

"МТ" луғати

Халқ тили туганмас хазина, у узлуксиз бойиб туради. Изланилса, зарур тушунча ва атамаларни ифодаловчи сўзларни топиш мумкин. Дейлик, олтиннинг пробаси – асллик даражаси деган сўз бирикмаси билан берилмоқда, шеваларимизда бу тушунчага мос бир неча сўз вариантлари бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

... Болалик пайтларимда бувимнинг бу ҳақда айтганларини элас-элас эслайман. Бувим "Қадимги тиллаларнинг косадай бўлаги уйни яхшигина ёритган. Аввалги олтинлар ёрғити билан айтиларди, 700 ёрғитли, минг ёрғитлисиям бор эди, минг ёрғитлиси хонларда бўларди..." дер эди. Эҳтимол, хоразмчада "проба" маъносида шундай қўлланилгандир, бошқа шеваларда ҳам вариантлари бордир. Бу каби сўзларни яна кўплаб учратишимиз мумкин. Қуйида шундай хоразмча сўзлардан бир нечасини келтирамиз. Балки мухлислар ҳам ўзлари билган бундай сўзлардан ёзиб юборишар, бундан адабий тилимизни янада бойитиш имкони ортади, албатта.

ОЛТИННИНГ ПРОБАСИ НИМА ДЕЙИЛАДИ?

Талатин – ошланган тери; талатин этик – теридан тикилган этик.

Бичқи – кичик арра, қўл арраси.

Мойлиқ – овқатдан сўнг қўл артишга ишлатиладиган сочиқча, салфетка.

Сорсиш, сорсимоқ – мия чайқалиши.

Кўзик, эшик кўзики – тирқиш.

Кулоқчанок – кострюлка

Сўзма – резинка ип.

Чўнкар – пахта териш машинаси бункери

Сувхалта – салафанхалта

Симбирғи – симбирғи бермоқ – сим билан (буриб) маҳкамлаш

Нўвқон – ипак қурти

Чўғон – тут мевасининг ғўраси

Шишак – шиша синиғи

Таман, таман игна – катта игна

Чот – қуриган шох-шаббба

Отанок, отаноқ кўйлак – шахмат гулли кўйлак

Кўзанак – сетка; темир кўзанак – темир сетка

Мут – бепул.

Д. МАТКАРИМОВА

Акс садо

МАКТАБ ТАЪМИРЛАНАДИ

«Ёзда яйлов, қишда яловми?» мактуби, «Миллий тикланиш» газетаси, 2003 йил 4 феврал сони

Газетамизнинг шу йил, 4 феврал сонида М. Мирзажоновнинг танқидий мактуб-мақоласи эълон қилинган эди. Таҳририят шу юзасидан Риштон тумани ҳокимлигига хат орқали мурожаат этди. Аввало ушбу йўллаган мактубимиз тез кунларда кўриб чиқилиб, тегишли чоралар белгиланганлиги, олиб борилажак ишларни туман ҳокимлиги ўз назоратига олишидан мамнун бўлдик. Қуйида туман ҳокимининг ўринбосари Х. С. Бурҳонов имзоси билан юборилган жавоб хати эълон қилинмоқда. Унда стадионни «тўрт қатор айлантириб терак кўчатлари экилади» деган жумлалар ҳам бор. Бу ўтқазилган ниҳолларни ўйинқароқ укажонларимиз ҳам тўп тегиб эгилиб қолишидан авайлайдилар, танқидий мақолада тилга олинган «яйлов»чилардан ҳам эҳтиёт тутадилар, яшил стадионни 2-3 йилда дуркун теракзорлар ўз яшил бағрига олади деб ўйлаймиз. Ният амалга ошса, теракзорнинг тоза об-ҳавоси ёш ўсмирларнинг соғлом ўсиши, куч-қувватга тўлиб спорт билан шуғулланишида кўмак бўлиши, шубҳасиз, янаги йиллар ёзида шовиллаган бу азим теракзорлар газетамиз саҳифасида гўзал табиат тасвири сифатида акс этиб қолса, ажаб эмас. Демак, турли иқтисодий шароитда ҳам муаммо устида жиддий ўйлаб кўрилса, унинг бирор тадбири топилар экан ва бу тадбир оғишмай юзага чиқса, муаммо ўз-ўзидан ечилиши мумкин деган хулосага келдик.

«Миллий тикланиш» газетасининг шу йил 4 феврал сонида чоп этилган Муслим Мирзажоновнинг «Ёзда «яйлов», қишда яловми?» сарлавҳали танқидий мақоласи туман ҳокимлигининг масъул ходимлари ва туман халқ таълими бўлими раҳбарлари томонидан жойида атрофлича ўрганиб чиқилди.

Мактабдаги спорт майдончалари ва футбол майдонини ҳашар йўли билан ва ҳомийлар ёрдамида таъмирдан чиқариш, қурилиши тугалланмаган мактаб биноси томини ёпиш учун мактаб ҳудудига экилган тераклардан фойдаланиш, туман халқ таълими бўлими томонидан шифер, ойна каби қурилиш материалларини олиб беришга келишиб олинди. Стадион атрофини девор билан ўрашнинг ҳозирча имкони топилмади. Девор ўрнига тўрт қатор айлантириб терак кўчатлари экилади. Бу келгусида мактабнинг иқтисодий имкониятларини оширишга ҳам туртки бўлади.

Туман ҳокимлиги мактабдаги камчиликларни бартараф қилиш юзасидан олиб борилаётган ишларни ўз назоратига олади.

Ҳурмат билан

Х. С. БУРҲОНОВ,
туман ҳокимининг ўринбосари

КЕЛИНГ, ЎЙЛАБ КЎРАЙЛИК

БИЗНИНГ АНКЕТА

Фарғона Давлат университетининг социология кафедраси «Демократик жамият ҳаётида интеллигенциянинг ўрни ва роли» мавзуида социологик тадқиқот ўтказиш мақсадида мазкур анкета сўровномасини эътиборингизга ҳавола этяпти. Сизнинг саволларга берадиган холисона, тўғри жавобларингиз илмий тадқиқот ва ижтимоий фикрни ўрганиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади, албатта.

Анкета саволларининг тайёр жавоб вариантлари берилган бўлиб, улардан Сизнинг фикрингизни ифодаловчи жавоблардан фақат биттасини доира ичига олиб қўйишингизни сўрар эдик. Масалан: А

Қимматли вақтингизни ажратиб, анкета саволларига холисона ва тўғри жавоб берганлигингиз учун олдиндан миннатдорчилик билдирамиз.

1. ЎЗ КАСБИНГИЗ ИСТИҚБОЛИНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАЙСИЗ?
А — ўз касбимдан мамнунман.
Б — касбим аҳамиятини йўқотяпти.
В — ўзгарган шароитга мослаша олмаяпман.
Г — янги имкониятларни тополмаяпман.
Д — нормал ҳаёт кечириш учун турли ишларни қилишга мажбурман.

2. ЯХШИРОҚ ҲАЁТ КЕЧИРИШ УЧУН ОЛИЙ МАЪЛУМОТ ЗАРУР ДЕБ ҲИСОБЛАЙСИЗМИ?
А — ҳа, зарур.
Б — йўқ, зарур эмас.
В — қисман зарур.
Г — бир нарса дея олмайман.

3. ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ ВА НАБИРАЛАРИНГИЗ СИЗНИНГ КАСБИНГИЗНИ ДАВОМ ЭТТИРИШИНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?
А — ҳа, хоҳлайман.
Б — йўқ, хоҳламайман.
В — бу менга боғлиқ эмас.
Г — бу ҳақда ўйлаб кўрмаганман.

4. СИЁСИЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНГИЗНИ ИЗОҲЛАНГ:
А — жамоамиз ҳаётидаги камчиликларни танқид қила оламан.
Б — матбуот орқали ўз фикр-мулоҳазаларимни ёза оламан.
В — ҳукуматга мамлакат тараққиёти учун фойдали таклифлар бера оламан.
Г — ўзимни сиёсий фаол деб ҳисоблай олмайман.
Д — сиёсий партия аъзосиман.

5. СИЁСИЙ ҲАЁТДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШИНГИЗГА НИМАЛАР ХАЛАҚИТ БЕРАДИ?
А — менинг сиёсий фаолиятим ижобий самара бермаслигини биламан.
Б — сиёсий фаол одамлардан бошқа кишилар ҳадиксирайдилар.
В — сиёсий фаол кишиларга зимдан тазйиқ ўтказилади.
Г — оила аъзоларимга маъқул эмас.

6. СИЁСИЙ ҲАЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАЙСИЗ?
А — жуда муҳим рол ўйнайди.
Б — муҳим рол ўйнаши мумкин.
В — ҳеч қандай рол ўйнамайди.
Г — бирор нарса дея олмайман.

7. СИЗНИНГ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРДАН БИРИГА АЪЗО БЎЛИШИНГИЗГА НИМАЛАР ХАЛАҚИТ БЕРАДИ?
А — жиддий сиёсий партияларнинг мавжуд эмаслиги.
Б — сиёсий партияларнинг ҳеч қандай обрў ва таъсирга эга эмаслиги.
В — сиёсий партияларнинг ўз платформасига эга эмаслиги.
Г — ҳамма нарсани моддийлик ҳал қилади, сиёсий партиялар ҳеч нарса эмас.
Д — бу ҳақда ўйлаб кўрмаганман.
Д — яна: (ёзинг)

8. ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯ ЎЗБЕКИСТОН ЖАМИЯТИНИНГ СОЦИАЛ СТРУКТУРАСИДА ҚАНДАЙ ЎРИН ТУТАДИ?
А — жуда юқори мавқега эга.
Б — энг қуйи мавқега эга.
В — ҳеч қандай мавқега эга эмас.
Г — бирор нарса дея олмайман.

9. СИЗ КЎПРОҚ ИНФОРМАЦИЯ (МАЪЛУМОТ) ОЛАДИГАН МАНБАЛАРДАН БИРИНИ КЎРСАТИНГ.
А — телевидение.
Б — радио.
В — газета.
Г — суҳбат.

10. СИЗ МУНТАЗАМ РАВИШДА ЎҚИЙДИГАН ГАЗЕТА НОМЛАРИНИ КЎРСАТИНГ.
А —
Б —
В —
Г —
Д —
Е — Мунтазам эмас, шунчаки қўлимга тушиб қолса ўқийман.

11. ГАЗЕТА СИЗ УЧУН АСОСИЙ ИНФОРМАЦИЯ МАНБАИ ЭМАСЛИГИНИНГ САБАБИ НИМАДА?
А — ҳақиқатни ёзмайди.
Б — нархи жуда қиммат.
В — почта хизмати ёмон.
Г — яна:

12. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ГУЛЛАБ-ЯШНАШИГА НИМА ХАЛАҚИТ БЕРЯПТИ?
А — порахўрлик.
Б — коррупция (жиноятчилар билан ҳамтовоқлик).
В — халқнинг маънавий қашшоқлиги.
Г — интеллигенциянинг лоқайдлиги.
Д — яна:

13. СИЗ КУНДАЛИК ЭҲТИЁЖИНГИЗДАН ОРТГАН ДАРОМАДИНГИЗ (БОЙЛИГИНГИЗ)НИ НИМАГА САРФЛАГАН БЎЛАРДИНГИЗ?
А — санаторияларда соғлигимни тиклаш учун.
Б — тўй маросимлари учун.
В — чет мамлакатларга саёҳат учун.
Г — камбағал ва муҳтожларга эҳсон учун.
Д — яна:

14. ЎЗ БИЛИМ ВА МАЛАКАНГИЗНИ ОШИРИШИНГИЗ УЧУН ОИЛАНГИЗДАГИ ШАРОИТНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАЙСИЗ?
А — ҳеч қандай шароит йўқ.
Б — ҳамма шароит бор.
В — билим ва малакамни оширишга зарурат йўқ.
Г — бирор нарса дея олмайман.

15. СИЗ СИЁСИЙ МАСАЛАЛАРДА КЎПРОҚ БАҲСМУНОЗАРА ЮРИТАДИГАН СОЦИАЛ ГУРУҲНИ БЕЛГИЛАНГ:
А — оила
Б — жамоа
В — дўстлар давраси
Г — маросимларда
Д — ҳеч қаерда

16. СИЗ ЎЗИНГИЗНИ БИРОН БИР ДАРАЖАДАГИ РАҲБАРЛИК ИШИГА ЛАЁҚАТЛИ ДЕБ ҲИСОБЛАЙ ОЛАСИЗМИ?
А — ҳа, қўлимдан келади
Б — йўқ, истамайман
В — раҳбар бўлиш учун қобилият эмас, пул керак.
Г — бу ҳақда ўйлаб кўрмаганман.

17. ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИНГИЗНИ ЯХШИЛАШ УЧУН ҚЎШИМЧА ҚАНДАЙ ИШЛАР БИЛАН ШУҒУЛЛАНЯПСИЗ?
А — тадбиркорлик
Б — деҳқончилик
В — ҳунармандчилик
Г — тижорат (савдо-сотиқ)
Д — репититорлик
Е — яна:

18. ЎЗ ОИЛАВИЙ АҲВОЛИНГИЗНИ (ХАЁТ ДАРАЖАНГИЗНИ) ҚАНДАЙ БАҲОЛАЙСИЗ?
А — жуда яхши
Б — яхши
В — ўртача
Г — ёмон
Д — жуда ёмон

19. ЎЗБЕК ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯСИНИНГ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ВА МАВҚЕИНИ ЮКСАЛТИРИШ УЧУН НИМАЛАР ҚИЛИШ КЕРАК?
А — зиёлиларнинг ойлик маошини ошириш керак.
Б — зиёлиларнинг сиёсий партиясини тузиш керак.
В — зиёлилар дунёқарашини ўзгартириш керак.
Г — яна;

20. МАЪЛУМОТИНГИЗ ҚАНДАЙ?
А — олий
Б — тўлиқсиз олий
В — ўрта махсус
Г — яна;

21. СИЗ ЎЗ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИНГИЗНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАЙСИЗ?
А — жуда яхши (аъло)
Б — яхши
В — ўртача
Г — ёмон
Д — бу ҳақда ўйлаб кўрмаганман

22. КАСБИНГИЗ НИМА?
А — ўқитувчи
Б — врач
В — журналист
Г — талаба
Д —.....

23. ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНГИЗ?
А — касбим бўйича ишлайман.
Б — иш билан бандман.
В — ҳеч қаерда ишламайман.
Г — яна;

24. ЁШИНГИЗ НЕЧАДА?
А — 20-25
Б — 26-30
В — 31-35
Г — 36-40
Д — 41-45
Е — 46-50
Ё — 51-60

25. ОИЛАВИЙ АҲВОЛИНГИЗ?
А — оилалиман.
Б — оила қурган эмасман.
В — оилам бузилган, ёлғиз яшайман.
Г — ота-онам билан яшайман.

26. МОДДИЙ ТАЪМИНОТИНГИЗ?
А — ўзим ишлаб таъминлайман.
Б — ота-онам таъминлайди.
В — яна;

Азиз инсонлар

ФАН ЗАҲМАТКАШЛАРИ – КАШФИЁТЧИ ОЛИМЛАР

"Сен азиз қилган кишини ҳеч
киши хор айламас"

Бу ҳаёт ҳақиқати. Азиз бўлиб яратилган инсонлар ҳеч қачон хору-зор бўлмайдилар. Чунки, улар яхшилик, эзгулик учун дунёга келганлар. Мавлоно Абдураҳмон Жомий яхшилар ҳақида шундай дейди:

Эй, энг яхши одам ким,
деб сўрагин
Айтайин ким бўлур энг яхши
одам:
Энг яхши одам, шу-кимдан
халқига
Қандайдир наф тегар, ҳар куну
ҳар дам.

Бундай инсонлар ўзни эмас, ўзга манфаатини, халқ ва миллат фойдасини ўйлайдилар. Уларнинг ягона мақсади, ҳаёт мазмуни фақат яхшилик қилмоқлик ва эзгуликдир. Ана шундай мўътабар инсонлардан бири исми жисмига монанд Азизхон Қаюмовдир. Барчага яхшилик қилмоқлик, инсонлар дардига дармон бўлмоқлик Азизхон аканинг қон-қонига, вужудига сингиб кетган.

Азизхон ака ёшликданоқ қобилиятли ва салоҳиятли инсон сифатида талабалар ва домлалар ичида обрў-эътибор қозонди. Шунингдек, одамийлик, ўта камтарлик ва самимийлиги ила кўпчилик назарига тушди.

Биз, университет талабалари Азизхон аканинг салоҳиятига, одамшавандалигига, ширинсухан муомаласига ҳавас қилардик. Азизхон ака ўқишда, ҳаётда, юриш-туришда биз учун ибрат, намуна эди.

Пок, ҳалол яшаш, ҳақгўй, адолатли бўлмоқлик каби юксак инсоний фазилатлар ҳам Азизхон аканинг қон-қонига сингиб кетган. Ўқишни битиргач, домла турли лавозимларда хизмат қилди. Айниқса, илмда катта шуҳрат қозонди. Классик адабиётнинг, айниқса, Навоий ижодининг билимдони сифатида машҳури жаҳон бўлди. Бу ҳақда таниқли олимлар, адиблар кўп ва хўб ёзганлар. Шу боис мен у кишининг илмий ютуқларига баҳо беришга, балки чуқур таърифлашга ожизман. Мен фақат домланинг инсоний хислату-фазилатлари ҳақида гапиряпман. Азизхон ака қайси амалу лавозимда ишламасин аввало, қўл остиларидаги кишиларга яхшилик қилиш, уларга ҳамдард, кўмакдош бўлишга интилди. ЎзР. Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори лавозимида ишлаган вақтларида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари етишиб чиқди, юзлаб янги илмий тадқиқотлар, монографиялар, рисолалар чоп этилди. Собиқ Марказқўмда бўлим мудири, маданият вазири, кинематография давлат қўмитаси раиси, Маданият институтининг ректори, Миллий тикланиш партиясининг раиси лавозимларида ишлар экан, бу соҳаларни ривожлантириш, ходимлар, ишчилар моддий-маиший турмушини яхшилаш билан шуғулланди. Олий Мажлис депутати сифатида Азизхон ака олий минбардан туриб оддий инсонлар, миллат ва халқ манфаатини ҳимоя қилиб чикди. Домла ҳаммавақт, ҳар ерда, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳақ гапни рўй-рост айтган, ҳақиқат ва адолат учун курашган. Домланинг фазилатларидан яна бири, яхшиларни эъзозлаш, дўсти-қадрдонларига вафодор ва садоқатли бўлишдир. Азизхон ака ёру биродарларига ҳар қандай вазиятда ҳам, яхши, ёмон кунларда ҳам дўстиқадрдон бўлиб келяптилар.

Маълумки, Фанлар академиясига сайловлар ҳамиша рақобат ва ички курашлар билан ўтади. Ана шундай сайловлар пайтида Азизхон ака бир неча бор ҳеч қайси олим қилмаган олийжаноблик қилган. Бир пайт мухбир аъзолик лавозимига домла билан таниқли адабиётшунос олим Ботир Валихўжаев номзодлари қўйилганда Азизхон ака Ботир Валихўжаев фойдасига мухбираъзоликдан воз кечганлар. Яна бир сайловда мухбир аъзоликка Азиз Қаюмов билан буюк олим Убайдулла Каримов номзоди қўйилган. Шунда ҳам Азизхон ака Убайдулла ака ўтсин, деб туриб олганди. Убайдулла ака эса, А. Қаюмов номзодини қўллаб-қувватлаган. Бу икки аллома талабалик йилларидан бери ажралмас дўст-қадрдон эдилар. Улар илм-фанда машҳури жаҳон бўлиб, бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд бўлишган.

Азизхон ака адабиёт илмининг билимдони, донишманди бўлса, Убайдулла ака гуманитар илмлари, айниқса, шарқшунослик фанида якто эди. Азизхон ака Убайдулла Каримовга шундай шеърий таъриф берган:

Илм маҳсулларидан шундайин
хирмон яратмишким,
Мунингдек бобаракот ишни
инсон қилмаган асло,
Билим ганжинасин зеби Азизу
Қойим ўлгайсен.
Убайдуллоҳ Исроил Каримий
чун дури якто.

Кейинги йилларда Азизхон ака савобли ва хайрли бир ишга қўл урди. Марҳум бўлган ва барҳаёт дўстлари ва ёру биродарлари ҳақида хотиралар, ёдномалар, рисолалар ёза бошладилар. Даставвал аллома Убайдулла Каримовнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган рисолани нашр этди. Алломанинг илмий жасорати, айниқса шарқшунослик фанига қўшган улкан ҳиссасини фахрланиб, жўшиб тасвирлаб берган. Домла қадрдон дўстини "Замонамизнинг Беруний-си", деб таърифлайди. Дарҳақиқат, Убайдулла Каримов республикада биринчи бўлиб Берунийни кашф этган, Ибн Сино асарларини оммалаштиришни бошлаган, шарқшунослик илмида буюк кашфиётлар яратган улуғ олим эди.

Домла иккинчи бир рисолани атоқли адабиётшунос олим Абдуқодир Ҳайитметовга бағишлади. Азизхон ака А. Ҳайитметов билан ҳам талабалик йилларидан бери дўст-қадрдонлар. Абдуқодир ака ҳам адабиёт донишманди, атоқли навоийшунос олимдир. Азизхон ака дўстларининг илмий жасоратларини, одамийлик фазилатларини ғурур ва ифтихор ила тасвирлайди: "Бенуқсон, айбсиз инсон дунёда бўлмайди. Аммо дунёда шундай одамлар борки, уларнинг нуқсони ўзгаларнинг фазилатидан афзалдир. Энг муҳими ҳаётнинг моҳиятини тушуниб етмоқликда. Киши тирик экан, элу-юртга фойда келтириб яшамоғи керак. Элу-юртга нафи тегмаган одамнинг борлигию йўқлиги барибир. Менинг рисолам қаҳрамони ярим асрлик умрини ўз эли, юрти учун, илм-фан, ижод учун бағишлади".

Республикамизда кўплаб музейларни ташкил этишда ҳамда музейшунослик фанини ривожлантиришда тарих фанлари доктори, профессор, Жаҳон Музейлар Кенгашининг аъзоси Нафиса Содиқованинг хизматлари катта ва беқиёсдир. Бу муҳтарама олима онгли ҳаётини куч-ғайратини музейлар ривожига бағишлади. 46 йил Давлат тарих музейида ишлади. 26 йил шу музейга раҳбарлик қилди, республикада музейшунослик ривожи Н. Содиқова номи билан бевосита боғлиқдир.

Фирдавс Файзуллоҳ чизган сурат

Азиз Қаюмов Ўзбекистонда музей фанининг билимдони бўлмиш Н. Содиқованинг жўшқин ҳаёти, илмий фаолияти ҳақида ҳам ажойиб рисола яратди. Рисола барча илм-аҳлига ва зиёлиларга маъқул ва манзур бўлди.

Ўзбекистонда Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ғоят бой қўлёзма фонди ва илмий тадқиқотлари билан жаҳонда ном чиқарган мўътабар илмий даргоҳдир. Институт фондида бой миллий маданиятимиз, кўҳна тарихимиз ва миллий қадриятларимизга оид минглаб нодир ва ноёб қўлёзмалар тўпланган. Бу қўлёзмаларни жамлаш, тартибга солиш, уларнинг турли каталогларини тузиш, илмий изоҳлар яратишда энг мўътабар мударрис домлалар хизмат қилдилар. Ана шу билағон, донишманд олимлардан бири Қувомиддин Мунировдир. Бу муҳтарам зот Азизхон ака билан университетда бирга таҳсил олган. Бу икки атоқли олим 50 йилдан бери бир-бири билан дўст-қадрдондирлар. Уларнинг дўстлиги меҳр-оқибат, вафо-садоқат ва иззат-ҳурматнинг тимсоли бўлиб келмоқда. Ана шу дўстлик ҳурмати А. Қаюмов Қ. Мунировнинг ҳаёти ва ижодига оид рисола ёзди.

Қувомиддин ака чуқур мушоҳадали, зукко ва билимдон олим. Унинг ўзбек халқи, айниқса, Хоразм тарихига оид илмий асарлари илм аҳлига манзур бўлган тадқиқотлардир. Маълумки, қўлёзмаларни ўқиш, илмий жиҳатдан таҳлил қилиб, таржима этиш ғоят оғир ва мушкул вазифадир. Қувомиддин ака ана шу қўлёзмаларни бемалол ўқиб, таҳлил этиб берадиган билимдон олим. Бу муҳтарам инсон катта олим бўлиш билан бирга институтдаги қўлёзма фондининг хазинабонидир. Салкам ярим аср давомида Қ. Муниров бебаҳо хазинани кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келди. 50 йил ичида бирорта қўлёзма шикастланмади. Бу қўлёзма фондлари тарихида ноёб ҳодисадир. Зотан, шарқшунослик институтининг довруғи, бебаҳо қўлёзма фондининг шуҳрати Қувомиддин Муниров номи билан боғлиқдир.

Машҳур доғистонлик шоир Расул Ҳамзатов ўз юртини ҳамиша фахр ила куйлаб, уни кўз қорачиғидай асраб-авайлаб, дунёга танитган эди. Доғистон деганда, Расул Ҳамзатовни, Расул Ҳамзатов деганда Доғистонни танийдилар, дунёда. Бир машҳур шеърида "Мен Доғистоннинг қўриқчи итиман", деган эди улуғ шоир. Таъбир жоиз бўлса, Қувомиддин Муниров ака Ўзбекистон миллий хазинасига 50 йил қўриқчилик қилдилар.

Айни пайтда шу ўтган давр ичида олим қишлоқма-қишлоқ, шаҳармашаҳар юриб қўлёзмалар йиғиб хазинани бойитиб келди. Боз устига бу ноёб хазинанинг тарғиботчиси ва ташвиқотчиси ҳамдир. Республикамизга меҳмон ёки турист бўлиб келган делегацияларнинг аксарияти шарқшунослик институтининг қўлёзма фондига ташриф буюради. Уларни албатта Қ. Муниров кутиб олади ва хазинани таърифлаб беради. Бундай пайтларда домла булбулигўё бўлиб кетадилар. Жавохарлал Неру, Индира Ганди, Шастри ва Жорж Помпиду каби атоқли давлат ва жамоат арбоблари Қ. Муниров домланинг қўлёзмалар фонди ҳақида ҳикоясини иштиёқ ва мароқ билан тинглаганлар. Домла республикамизнинг атоқли кишилари: Ғафур Ғулом, Ойбек, Шайхзода, Яҳё Ғуломов, Қори-Ниёзов, Иброҳим Мўминов, Обид Содиқов каби фан, маданият арбоблари билан мулоқотда, ҳамсуҳбат бўлганлар. Шоир Чустий Қ. Мунировга махсус шеър бағишлаб, домлани шундай таърифлайди:

Қувомиддин ажойиб ҳозини
мулки Низомиддин,
Араб турку ажам алфозига гўё
Каломиддин...

Қувомиддин аканинг илмий қобилияти ва одамгарчилиги насл-насабдан ўтган. Ота-боболари Тошкентнинг машҳур домла-мударрисларидан эдилар. Падарибузруквори Мунириддин домла энг мўътабар домлалардан бўлган. Бу зот узоқ йиллар давомида Хасти Имомдаги "Тилла шайх" масжидида имом-хатиблик қилган. Пок ва ҳалоллик, инсофу диёнат, иймону-эътиқодда домлага етадиган дин пешвоси кам топилади.

Қувомиддин Муниров ҳаётда, юриш-туришда оддий ва содда, камтарин ва камсуқум. Илм аҳли ўртасида обрў-эътиборли бўлсалар-да, ўзини ҳамиша хокисор тутади. Айни пайтда ҳақгўй, тўғрисўз ва адолатпешадирлар.

Шу боис ҳам домлани барча шарқшунос олимлар ҳурмат қиладилар.

Фатҳулла АБДУЛЛАЕВ

«ЧОКАРДИЗА» ЗИЁРАТГОҲИ

Хотира ўчмасдир, хотира мангу!

«Нақл қилибдурларким, Мадинаи Мунавварадаги ал-Бокия қабристонидан ва Маккаи Мукаррамадаги ал-Муовия қабристонидан бошқа Самарқанд музофотидаги «Чокардиза» қабристонидан бузрукроқ қабристон йўқдир», дейилади Имом ан-Насафийнинг «Кандия» китобида. «Чокардиза»да кўпгина ислом дунёси алломаларининг қабрлари жойлашган бўлиб, «Самария»да (муаллиф Абу Тоҳирхўжа) келтирилганидек: «Подшоҳлар ул ернинг тупроғини кўзларига сурма каби суртар эдилар».

Мазкур қабристон тарихини ёритишда илк тадқиқотлардан бири бўлган «Самарқанднинг буюк алломалари» китобида таъкидланишича, Самарқанднинг қадимий деворлари ташқарисида «Чокардиза» номини олган мавзе бўлиб, унда қадимий қалъа жойлашган. Қалъа эски суғд тилида Чокардиза (яъни, чокар-навкар, диза-қалъа деганидир) аталиб, у ислом даврига қадар ҳам мавжуд бўлган. IX аср охирида фиқҳшунос олим Абу Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Самосийнинг боғи, шаҳар девори ва дарвозаларини қўриқлайдиган навкарлар қалъачаси — «Чокардиза» яқингинасида бўлгани учун боғ ҳам шу ном билан атала бошлаган. Манбаларнинг далолат беришича, унинг эгаси вафот этгач, ўз боғида дафн қилишади. Шундан кейин, боғ машҳур фиқҳшунос аллома имом Абулайсий ас-Самарқандийнинг (985 йили вафот этган) ихтиёрига ўтган. Бу шундан далолат берадики, боғнинг кейинги эгаси Абулайсий ас-Самарқандий боғнинг аввалги эгасининг набираларидан экан.

Илми калом асосчиси имом Абу Мансур ал-Мотуридий (944 йил вафот этган) ва илми ҳикмат асосчиси Имом Абулқосим Самарқандий (953 йил вафот этган)-лар ҳам ушбу боғда дафн этилгандан сўнг, мавзенинг шуҳрати янада ортиб, тарихий манбаларда «Чокардиза» қабристони сифатида зикр этила бошланади. 985 йилда боғнинг иккинчи соҳиби имом Абулайсий ас-Самарқандий ҳам вафот этгач, шу мавзеда дафн этилган.

Кейинчалик «Чокардиза» боғининг қабристонга айланиш сабабларидан бири шундай нақл билан боғланган: Шайх Абу Мансур Мотуридий ва Шайх Абулқосим Самарқандийлар васият қилган эканларки, бизни «Чокардиза» қабристонига дафн қилингизларки, ҳазрати Хўжа Абду Дарун шафоатидан баҳраманд бўлайлик, ул зоти бобакаротнинг шафоатларидан бенасиб қолмайлик. Зероким, ҳазрати Абду Дарун ҳаётлик вақтларида айтган эдиларки: «Бизнинг қабримиз атрофидаги ярим фарсах масофани шафоат қилармиз» («Кандия» китобидан).

X аср ўрталаридан то XI аср бошларигача «Чокардиза»да қабрлар унча кўп бўлмаган. XI асрга келиб юқорида зикр этилган алломалардан ташқари, имом ал-Идрисий (1015 йил вафот этган), имом ал-Киндий (1049 йил вафот этган), имом ан-Насафий (1142 йил вафот этган), имом Бурҳониддин Марғиноний (1197 йил вафот этган), аллома Тафтазоний (1389 йил вафот этган) кабилар ҳам шу ерда дафн этилган энг машҳур имомлардир.

Қабристон ўртасида, имом Мотуридий қабридан беш қадам узоқликда масжид бино қилинади. Ушбу масжид ҳар замонда даврий таъмирланган ҳолда бизнинг XX асргача етиб келган. 1925 йилга келиб эътиқодсиз шўро тузуми даврида «Чокардиза»да мусулмонларнинг дафн этилишлари ман қилинади. Бироз муддат ўтгач, халқимизнинг ўз эътиқоди ва қадриятидан айириш мақсадида шўро ҳокимияти томонидан, муқаддас қабристон ва ундаги масжид ер билан яксон қилиниб, текисланган майдон устида уйлар қуришга рухсат берилган.

Бугунги кунда буюк имомларимизнинг илмий меросларини, зиёратгоҳларини тикланмоқда, ҳаётий ва ижодий фаолиятлари кенг қамровларда ўрганилмоқда.

Суратларда: Абу Мансур ал-Мотуридий. Д. Сафоев чизган сурат (ўнгда).
"Чокардиза", Имом Мотуридий мақбараси

«Чокардиза» мавзесида ҳам археологик тадқиқотлар амалга оширилиб, қабрлардан топилган ўнлаб қайроқтошлар ёзувлари таҳлил қилинди. Ал-Мотуридий қабртошидаги битикда: Нафаслари миқдоридаги илмларни ўзида жамъ этган, бор кучларини шу илмларни тарқатиш ва ўрганиш билан тугатган, шунинг учун ёзган асарлари мақтовларга сазовор бўлган ва ўз умридан серҳосил меваларни олишга эришган зотнинг қабридир» деган ёзувни ўқиш мумкин. Абу Мансур ал-Мотуридий ҳотирасига бағишлаб улкан мақбара ҳамда боғдан иборат мажмуа барпо этилиб, бобомиз тўйлари халқаро миқёсда нишонланди.

Буюк имом Мотуридийнинг номлари ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган вақтлардан, яъни бундан 20-30 йиллар олдин тарихчи-манбашунос олим, Ўзбекистон Фанлар Академияси Самарқанд бўлими катта илмий ходими К. Каттаев «Чокардиза» қабристонини тарихий билимлар эгаси бўлмиш отаси ҳамда бобоси билан биргаликда ўрганишга киришган эди.

Самарқанддаги «Чокардиза» яқинидаги қадимий қози калон маҳалласида туғилиб ўсган Комилхон Каттаевнинг Самарқанд қози калони мансабида ишлаган бобо-калонлари ҳам «Чокардиза» қабристонида дафн этилгани жиҳатдан ҳам унинг тарихи олимни тадқиқотларга ундади. Унинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология институти олимлари, Самарқанд шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда ўз шогирдлари иштирокида олиб борган илмий тадқиқотлари натижасида имом Мотуридийнинг аниқ қабр жойи аниқланди. Илми ҳикмат асосчиси имом Абулқосим Ҳакими Самарқандийнинг қабр-тошлари топилиб, ундаги ёзувлар таҳлил қилинди.

Имом ал-Бухорийнинг устозлари бўлмиш ҳадисшунос имом ад-Дорамийнинг Тайлоқ туманидаги қабр жойлари; имом Мотуридийнинг устозлари бўлмиш имом Растуғфоний ва Абул Фазл Балхийнинг Иштихон туманидаги қабр жойлари; имом Бурҳониддин Марғинонийнинг устози бўлмиш имом Али Суғдийнинг Оқдарё туманидаги қабр жойлари ҳам аниқланиб, бугунги кунда ушбу зиёратгоҳларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Кадриддин ХАЛИЛОВ,
ЎзМТДП Самарқанд шаҳар бўлими котиби

БАХШИЛИК ДАРЁСИ

Тарих – ибрат

Манбаларда айтилишича, Бобур Мирзо ҳам соҳибқирон Амир Темур каби насл поклиги, авлодлар соғломлигини жиддий бир жиҳат деб қараган. Ва бу унинг амри фармонларида ҳам ўз ифодасини топганлигини кузатиш мумкин. Бу маънода Бобурнинг майхўрликни насл кушандаси деб билиб майга ружу қўймасликни, майхўрликка чек қўйишни давлат сиёсати даражасида кўрганлиги, шу масалага доир қарор ва фармонлар чиқарганлигини тилга олиш мумкин. Бу фармонлар мажлисда айтилгач, «Зафар нишонли ходимлар муборак ҳукм юзасидан, кўплик ва зийнатда юксак осмон юлдузидек бўлган, гўзал мажлисни безаб турган олтин ва кумушдан ясалган май идиш ва қадаҳлари ва бошқа асбобларни ерга уруб, ... пора-пора қилиб, ҳар бирини мискин ва бечорага бердилар. Қабул қилинишига яқин бўлган бу тавба баракатидан даргоҳ муқаррабларидан кўплар «кишилар подшоҳлари изидан борадилар» тақозосича шу мажлиснинг ўзидаёқ тавба шарафига эришдилар ва май ичишдан бутунлай қайтдилар. Худонинг буйруқ ва қайтаришларига бўйсуниб, чекинувчилар ҳолига қадар тўда-тўда бўлиб, соат сайин шу саодат билан бахтиёр бўлмоқдалар» деб битган эди у «Бобурнома»да.

Бу сўзлардан англашиладики, у шаробхўрликка қарши махсус мажлис чақириб, унинг салбий таъсири ҳақида сўзлагандаёқ аъёнлар ва мулозимларнинг кўпчилиги шу пайтданоқ ичкиликдан қайтадилар. Қимматбаҳо олтину кумуш қадаҳлар синдирилади ва ҳатто улар бева-бечораларга эҳтиёж юзасидан улашиб берилади. Бобур Мирзо фармони ижросини аввало ўз аъён ва мулозимлари орқали бажаради, улардан ибрат олиб кишилар ҳам соат сайин ичкиликдан қайта бошлайди. Бу амалларнинг чуқур ижтимоий мазмуни ҳам бор эдики, эҳтимол жисмонан ва маънан соғлом инсон эканлиги туфайли Бобурнинг авлодлари ҳам закий ва нозик дид-фаросатли ва жасоратли бўлгандир. Ва улар тарих саҳнасида уч юз йил салтанат сургандир?!

Мирзо Бобур ичкиликка қарши курашни савоб иш деб билган. Бундан «Умид шуки, – дейди у, – яхшиликка ундовчи киши яхшилик қилган кишидай» деганлари каби бу ишларнинг савоби хушбахт подшоҳнинг ҳаётига оид бўлгай ва бу саодат баракотидан олга босиш ва ғалаба кундан-кунга ортиб боргай».

Шаробхўрликка барҳам берган подшоҳнинг омади кундан-кунга юришиб кетади деб англаган Бобурнинг давлати сарҳадида майхўрлик қилиш, уни сотиш ва сотиб олиш таъқиқланган. Манбалар бу ҳақда шундай дейилган:

Бу орзу ва бу осойишталик тўла-тўкис охирига етгандан кейин, олам бўйсуниши лозим бўлган фармон ижро шарафига эришдики, тинч сақланган мамлакатда мутлақо ҳеч бир киши ичкилик ичишга, уни ҳосил қилишга тиришмасин, элтмасин ва келтирмасин. Ичкиликдан қочинглар ва шоядки нажот топсанглар».

Қадимдан подшоҳлар учун йирик ғалабалардан кейин катта савоб келтирувчи ишлар қилиш анъанаси мавжуд эди. Бобур ҳам майхўрликни тугатишни ёхуд уни кескин камайтиришни бир ғалаба сирасида кўрди ва шунинг учун шукронасига тамға солиғини бекор қилди: «Бу ғалабанинг шукронаси ва бу чин тавбанинг қабул даражасига эришмоғининг садақаси учун подшоҳликнинг бахшиш дарёси жўш уриб..., бутун мамлакат бўйлаб, ўтган султонлардан қолиб келган ва даромади ҳаддан ортиқ кўп бўлган тамғани ўзи ҳам шариат қоидаларидан ташқари бўлгани учун мусулмонлар устидан олиб ташлаб, фармон содир бўлдики, ҳеч бир шаҳар, қишлоқ, йўл, кўча, гузар ва бандаргоҳларда тамға олмасинлар ва ундирмасинлар».

Бобур Мирзо юксак инсоний фазилатлар соҳиби бўлиши билан бирга жисмонан кучли, шерқувват киши бўлган.

Таниқли олим Турғун Файзиевнинг «Темурийлар шажараси» китобида ёзишича: «... У шунчалик кучли ва чапдаст бўлганки, икки қўлтиғига икки одамни олиб, қалъа девори устида югуриб машқ қилган... У ажойиб сузувчи ва ғаввос ҳам бўлган. Бинобарин, ўз йўлида учраган барча дарёлардан (Ганга дарёси бундан мустасно) сузиб ўтган». Жисмоний ва ақлий куч-салоҳиятини инсонларга яхшилик қилишга сарфлаган, ўзига муносиб кучли сиёсат юргизган шоҳ Бобурнинг долғали ҳаёт йўллари ҳақида ҳикоя қилувчи тарих китоблари, оғзаки нақллар кўпдан-кўп.

Нақл қилишларича, Бобур подшоҳ кунлардан бир кун ўз мулозимлари билан улкан дарё бўйлаб сайр қилиб юрарди. Подшоҳга хусумат юзасидан баъзи бир гуруҳлар уни қатл қилиш учун бирор марта зарби нишондан қайтмаган моҳир ханжарбоз ҳиндуни ёллашди. Ҳинду ханжарини енг ичига беркитганча аста-секин одимлаб Бобурга яқин кела бошлайди. Шу пайт қирғоқда югуришиб ўйнаб юрган норасида болалардан бири – олти яшарча ҳинду боласи ногоҳ дарёга тушиб кетади ва қудратли дарё мавжлари уни ўраб, оқиза бошлайди. Шунда Бобур атрофидаги мулозимларга ҳеч нарса демай, дарҳол ўзини дарёга отиб, ҳинду боласини ҳалокатдан қутқариб дарё комидан олиб чиқади. Подшоҳ томонидан воқе бўлган бу ажойиб инсонпарварлик, меҳр-шафқат ва олий фазилатни кўрган ҳинду бундан ниҳоятда мутаассир бўлади. Подшоҳ ҳузурига бориб таъзим қилгач, ханжарини подшоҳга узатиб: «Эй, олампаноҳ! Мана бу ханжарни қўлингга ол-да, менинг кўксимни пора-пора қилиб ташла. Чунки, мен сенинг олдингда гуноҳкорман. Зеро, ширин жонингга қасд қилмоқчи эдим. Аммо сенинг инсонга бўлган меҳр-шафқатинг, мурувватинг ва баҳодирлигинг қаршисида бошимни эгиб, таслим бўламан. Ҳамда сенинг қатлингга мени оёқлантирган малъунларга лаънатлар ўқийман! Эй олийжаноб подшоҳим, олампаноҳим! Агар истасанг, ўла-ўлгунимча ҳузурингда қолиб, садоқат камарини белга боғлаб хизматингда бўлай».

Бобур Мирзо ҳар жойда, ҳар амалда ўзининг олийжаноблиги билан дўсту душманнинг ҳурматини қозонган.

Айни пайтда ўзбекларнинг фахри темурийлар салтанатини тарих саҳнасида яна уч юз йилдан зиёд ҳукм суришига сабабчи бўлолган Бобур Мирзо аввало ўзининг ўзбекона хислатлари туфайли ҳинд диёрида кучли салтанат туза олди. У ўзбекона жўшқин ҳаётни, маърифатни Ҳиндистонга олиб кирди.

Шоҳиста ЎЛЖАЕВА

ХАЗИНАГА АЙЛАНГАН ҚУШЛАР

ёки олтинга сотилмайдиган ноёб коллекция

Турли буюмларни, айниқса ҳайвонот оламига доир коллекцияларни узоқ йиллар, асрлар бўйи асл ҳолича сақлаш мураккаб ишдир.

Ўзбекистон Миллий университетининг Биология-тупроқшунослик факултетида 150 йилдан бери сақланиб келаётган, чиндан ҳам олтинга топилмайдиган илмий коллекция бор. Ушбу қушлар коллекциясининг асосчиси чор Россияси истилоси даврида Тошкентда яшаган Николай Алексеевич Зарудный эди.

1864 йиллардан бошлаб ўлкамиз бойликларини ўзлаштириш мақсадида уларни ўрганиш учун геологлар, географлар, табиатшунослар ҳам юборилган. Ўша вақтгача Оренбургда ва Каспий ортида яшаб жуда катта коллекция йиққан Н. А. Зарудный Тошкентдаги иш фаолиятини 1906 йилда бошлаган.

Н. А. Зарудный асли ўзи биолог ёки зоолог ҳам эмасди, у ҳарбий билим юрти — Кадетлар мактабида ўқитувчилик қиларди.

Аммо Н. А. Зарудный жуда кучли натуралист коллекционер бўлган. У ҳарбий мактабдаги дарслардан бўш вақтида Тошкент атрофига чиқиб қушларни отиб улардан коллекция қилган. Қушлар систематикасини жуда яхши билган, олимларча ишлаган Зарудный турларни тўла аниқлашдан ташқари уларнинг кичик тури ёки оралиқ формаларигача белгилаган.

Ҳаваскор олим Тошкентда яшаб туриб, қишки, ёзги таътиллар даврида бутун Ўрта Осиёга, ҳатто Эронгача экспедициялар қилган. Бу иш билан ўзи шуғулланибгина қолмай, баъзан бошқа коллекционерлар билан бундай намуналарни алмашиб турган, унинг коллекциясида ўша замонда яшаган 55 та коллекционернинг материаллари ҳам борлигидан ушбу хазина кенг географик қамровга эгадир. Масалан, Лаздин, 1044 дона — 167 тур (Помир, Олой, Нил), Кореева, 473 дона — 172 тур (Россия, Урал, Етисув), Билкович, 299 дона — 82 тур (Закаспий, Эрон) қушларнинг таснифлари жамланган.

Айни пайтда орнитология коллекцияси фондида, яна бир неча бошқа сайёҳлар томонидан совға қилинган тушка(сомонтўш)лар, ҳатто Уссурия ўлкасидан Янковский юборган 6 та тур ва япон олимлари томонидан 1840 йилда отилган қирғовул бор. Кейинчалик Спангенберг, Кашкаров, Зоҳидов, Митрополский, Фоттей каби олимлар бу хазинани яна бойитганлар. Ҳозирги кунда ҳам олимларимиз бу борада иш олиб бормоқдалар.

Н. А. Зарудный Ўзбекистонда яшаган даврида Ўрта Осиё гиламларининг ҳам жуда катта коллекциясини йиққан экан, аммо октябр революцияси арафасида унинг гиламларининг кўп қисми ўғирланган. Қолганларини эса у музейга совға қилган.

Ёзма маълумотларга қараганда Зарудный Ўрта Осиёнинг ўзидан бир неча ўн минглаб коллекция йиққан, лекин уларнинг кўпчилигини тирикчилик заруратидан бошқа давлат музейларига сотиб юборган. Масалан, Англиядаги Ротшилд музейида Зарудный асосий коллекцияларининг кўп қисми сақланмоқда, қисман Европа, Америка, Германия музейларида ҳам уларни учратиш мумкин. Москва, Ленинград зоология музейларида ҳам анчагинаси сақланиб қолган.

Ўзбекистон Миллий университетининг илмий коллекция фондида эса 15.600 дона Зарудный коллекцияси сақланмоқда.

Шу ўринда бир нарсага тўхталиб ўтиш жоиз. 1918 йилда Тошкентда рус миллатига мансуб ёшлар сони ортганлиги муносабати билан советлар томонидан «Туркистон Халқ университети» ташкил қилинган. Бундан ўзбек олимлари ҳам биргаликда Мунаввар Қори ташаббуси билан ўзбек тилида ўқитадиган «Туркистон Миллий университети»ни ташкил қилганлар.

Шу йилларда Зарудный Туркистон Халқ университетида зоологиядан дарс берган ва ўзининг илмий коллекциясини бу даргоҳга совға қилган.

1920 йилда Ўрта Осиёда ягона университет ташкил қилинганлиги муносабати билан мазкур коллекция Ўрта Осиё Давлат университетига ўтган ва шу бугунгача ҳозирги ЎзМУда сақланиб келмоқда.

Бу ноёб, қимматбаҳо коллекция республикамиз тарих музейларида сақланаётган буюмлар билан бирдай ноёб миллий бойлигимиз ҳисобланади. Шу кунгача бу коллекция сақлаш воситалари билан эҳтиёт қилиниб, қисман бойитиб келинмоқда.

Ўтган 80 йил давомида айрим ўрганилмаган ёки баъзи ҳудудларда чала ўрганилган жойлардан коллекциялар тўплаб келинмоқда. Ҳозирги кунда 563 тур намуналаридан иборат бу коллекция миқдори 22 мингга етди.

Мазкур ноёб хазинага давлатимиз ҳам эътибор бериб, уни ўрганиш учун бироз маблағ ажратилган.

Зарудный коллекцияси катта илмий аҳамият касб этади. Ўтган 100 йил давомида табиатда жуда катта ўзгаришлар содир бўлди, кўплаб шаҳарлар пайдо бўлди, табиатда ўзлаштирилмаган ерлар деярли қолмаётган бир даврда албатта, ҳайвонот оламида ҳам ўзгаришлар юз бермоқда. Ўнлаб турлар йўқолди, янгилари пайдо бўлди. Кўпларининг эса яшаш ареаллари торайиб бормоқда. Буларни аниқлаш учун коллекция материаллари жуда қўл келади.

Дунё олимларига таниш Зарудный коллекциясини биздаги қисмларини ўрганиш учун бошқа мамлакатлардан ҳам олимлар келиб илмий изланишлар қилмоқдалар. Жумладан, Америка, Германия, Араб амирлиги, Болгария, Чехия, Словакия, Россия ва бошқа қўшни давлатлар мутахассислари уни жуда юқори баҳолаганлар.

Ҳозирги кунда тарихий музей ёдгорликларига алоҳида эътибор берилаётган даврда Н. А. Зарудный коллекциясига ҳам алоҳида статус бериш вақти келди, деб ўйлаймиз. Илғор мамлакатлардаги бу каби музейлар қатори мазкур миллий бойлигимизни жаҳонга кўз-кўз қилсак арзийди, бундан юртимиз нуфузи ҳам ортади, албатта.

Бу ерда илмий изланишлар олиб борган етук хорижий мутахассислар ҳам дунёвий аҳамият касб этувчи бу ноёб коллекцияни дунёдаги шундай музейлар қатори интернетга киритиш зарурлигини эътироф этишади. Айни пайтда шу эзгу ниятни амалга ошириш устида иш олиб борилмоқда.

Абдулла АЮПОВ,
ЎзМУ доценти

** Бу сўзни бизда тулум дейишади. Бизнингча, сомонтўш дейилса, тушунча моҳиятини аниқроқ ифодалаган бўламиз.*

Талабалар музейда



Коллекция намуналари
1840 йилдаги япон қирғовулининг ҳамон патлари ялтираб турибди.

Табиат ва биз

АСКАРЛИГИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Сабо, еткур саломимни!

Ҳарбий хизматимни бошлаганимга беш ой бўлди. Аскар бўлишни кўпдан бери орзу қилардим. Чунки одамлар ва айниқса, тенгқурларим ҳарбий хизматни ўтаб келган йигитларга алоҳида ҳурмат ва ишонч билан қарашларини кўп кузатганман.

Аскар бўлиш шунчаки орзу-ҳавас эмас, балки Ватанинг, халқингнинг сенга бўлган ишонч ва умидини оқлаш учун сабот-матонатли, мустаҳкам иродали, жисмоний ва руҳий бардам бўлишни талаб қиларкан. Бутунлай янгича муҳит ва метиндек мустаҳкам ҳарбий интизом шароитида билимминг, ақл-заковатинг, ахлоқ-одобинг, ҳаёт ҳақидаги тасаввурларинг бирма-бир синовдан ўтаркан.

Мен ҳарбий қисмимиздаги республикамизнинг деярли барча вилоятларидан келган йигитлар билан жуда тез дўстлашиб қолдим. Шу нарсани англадимки, илгари ҳарбий хизматни ўтаган ҳамшаҳар акаларим ўзларини "герой" қилиб кўрсатиш учун бўлса керак "дедовшина" тўғрисида анча ошириб гапиришар экан: мен хизмат қилган қисмда ака-ука, оға-ини деган гаплар бору, лекин ҳозиргача "дедман" деган одамни кўрганим йўқ. Тўғри-да, ҳамманинг боласи ҳам азиз, бир-бир ярим йил ҳам ҳаш-паш дегунча ўтиб кетади, бировни беҳуда хафа қилишнинг нима кераги бор!

Ватанимизнинг шон-шавкати, куч-қудрати, ҳарбий-техник салоҳияти ҳақидаги тасавурларим анча кенгайди. Ватанимизнинг озодлиги, юртимизнинг тинчлиги армиямизнинг куч-қудратига, ҳарбий интизомнинг мустаҳкамлигига, аскарларнинг ғоявий-сиёсий жиҳатдан етуклигига боғлиқ эканлигига амин бўлдим.

Ҳарбий баталонимиз командир подполковник Бектурди Полвонов, комиссаримиз капитан Ҳайдарали Маматкаримов бизни ўз фарзандларидек севадилар. Биздан интизомли, ҳарбий бурчга садоқатли бўлишни талаб қиладилар. Мен командирларимизни ҳавас қилиб, хизматимни тугатгач, Ўзбекистон Қуролли Кучлари Академиясида ўқиш ва офицер бўлишни ният қилдим. Менда ҳарбий ишга меҳр уйғотган командирларимдан миннатдорман.

Ҳарбий қисмимизда маданий дам олишимиз, ҳарбий билим ва маҳоратимизни оширимиз учун барча қулайликлар яратилган. Сиёсий машғулотларда мунтазам равишда Президентимиз асарларини ва миллий истиқлол ғоясини қунт билан ўрганяпмиз, мустақиллиққа садоқат туйғусини қалбимизга жо қиляпмиз. Ҳар бир байрамни мазмунли ва завқли қилиб ўтказяпмиз.

Ота-онам, ўртоқларим билан мунтазам равишда хат ёки телефон орқали ҳол-аҳвол сўрашиб турибмиз.

Аскарлик йигит кишининг ҳаётидаги энг жўшқин ва мазмунли давр экан. Оиладан, дўстларингдан, маҳалла-қўйингдан сал узоқлашсанг, уларга бўлган меҳринг, соғинчинг, ҳурмат ва садоқатинг ортиб кетаркан.

Эҳтимол, донишманд аждодларимиз шундай кунларни бошидан кечириб: "мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас" деган бўлсалар керак. Мен сафдош дўстларим қатори қасамёдга содиқ бўлишга, ҳарбий бурчимни аъло даражада бажаришга интилавераман. Мен билан бирга хизмат қилаётган қадрдон дўстларимнинг ниятлари ҳам шундай.

Сарвар РЎЗМАТЗОДА,
оддий аскар

Бекобод шаҳри

Маълумингизки, газетамизда миллат аёлларининг ҳақ-ҳуқуқлари, оиладаги маънавий муҳитнинг инсон шахси ва жамиятга таъсири ҳақидаги чиқишлар билан мунтазам танишиб келмоқдасиз. «МТ»нинг ўтган сонларида эълон қилинган журналист Абдулло Аъзамнинг «Зўравонлик» мақоласи ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Қуйида берилаётган мақолада яна бир мухлисимиз ана шу ҳаётий мавзуда мулоҳаза юритади.

Ўзбек аёли, оила, жамият муносабатлари

ТУШОВ

«БИР КУН БОЙ» ЎЙИНИ

«МТ»да эълон қилинган «Зўравонлик» мақоласида муаллиф кишини ўйлатадиган аччиқ ҳақиқатларни ўртага ташлаб, мавзу юзасидан оддий, бир пайтнинг ўзида кенг таҳлиллар келтирганлиги диққатимни тортди, мени ушбу мулоҳазаларни билдиришга ундади.

— Қизим 6-синфда ўқийди, — деб гап бошлади бир йўловчи, — ҳадемай мактабни битиради. Қиз бола нарса. Эртага бировнинг қўлига қараб қолмасин дейман. Ўқитмоқчиман, шунинг учун шаҳардан қизимга бир уй олиб қўйишим керак. Тўғри, ётоқхона ҳам бору лекин ҳар кимнинг ўз уйи бўлгани яхши-да...

Қизи ўрта мактабни битиришига ҳали анча бор бўлса-да, унинг келажаги учун қайғураётган бу зиёли отадан фақат ўғилларигагина оталик қиладиган эркаклар ибрат олсалар бўларди, деб ўйладим. Сирасини айтганда, кўпчилик ота-оналар «ўғилми, қизми, соғ-омон бўлишса бўлди» дейишади. Кейинчалик ўзлари мустақил ҳаётга қадам қўйганларидан сўнг қандай кун кечиришлари ҳақида деярли бош қотиришмайди. Америкада шундай яхши бир одат бор. Турмуш қуришга аҳд қилган йигит-қиз, авваламбор, муҳаббат ва бир-бирига ишонч асосида (ҳаттоки бўлажак келиннинг жўшқин муҳаббатларига тўла ўтмиши ҳам бу ишончга путур етказолмайди) оила қуришади. Ҳеч қандай ортиқча харажатларсиз, келиннинг чет эл мебелларию, қўша-қўша сарпо-сеписиз, тўй ўтгач ташлаб юбориладиган юзлаб тоғора егуликлару юз килолаб пиширладиган ошларимиз, рўйхати учун «қарзларсиз» чиройли, ихчам тўй қилишади. Биз ўзбекларда-чи? Худди шу тўйни шундай бермаса бутун қариндош, қўни-қўшни гўё очликдан бир нарса бўладигандек, «кўй сўй-хўкиз сўй», дастурхон ёзишади. Дастурхонда «камчилик» сезилса, «маҳаллада дув-дув гап», ўзбекчилик-да. Хўш, эртага тўй соҳибининг бўйнига «қарз»лар шодасини илиб қўядиган бунақа сохта дабдаба, беҳад тўкин дастурхон шартмикин? «Тўйга борсанг, тўйиб бор, тўй тўнингни кийиб бор» деган мақол биздан кўра америкаликларникига кўпроқ ўхшайди. Шундай савол туғилади, ўша тўйга кетадиган харажатга боласи учун уй-жой, компютер ёки бошқа ўқув қуролларини сотиб олса, фарзандларининг муродини кўриш учун сарфлаган бўлмайдими? Наҳотки бундан «топганини фақат ўзига суртади, эл-юртга бўлсин демайди» деган хулоса чиқса. Фарзандларнинг комил инсон бўлиб вояга етиши жамиятнинг ютуғи, эл-юртнинг фойдаси, обрўси, давлат тараққиётининг ҳам гарови экани аён. «Ўзбекчилик», урф-одат деб ўз керакли имкониятимизни елга совуриб ўтиришимиз, ибора билан айтганда, ўз оёғига ўзи болта уришдай гап, назаримда.

Буни қачон англаб етамизу бундай «бир кун бой» ўйини каби «танти»ликларга қачон чек қўярканмиз. Европада аввал никоҳ қайд қилиниб, сўнгра тўй тантанаси бошланади. Бизда тўйдан олдин ёки кейин ҳам куёв томон таклиф қилмаса, келин томон кўпинча никоҳ ҳақида оғиз очолмайди, яна ўзбекчилик-да. Борди-ю, бунга журъат қилишса, уларда келин-қизга нисбатан шубҳа уйғонади. Ҳатто тўйдан сўнг ҳам келин-куёвнинг никоҳдан ўтишига қайнона-қайнота қаршилик қилишади. «Келин бир-икки йил хизмат қилсин, — маъқул бўлса оиламизга қабул қиламиз, акс ҳолда...» дегандай. Бунинг натижасида истаган пайти битта «кет» деган сўз билан келиннинг тақдири ҳал бўлиши мумкин. На мол-мулк можароси, на суд ғавғоси бўлмайди-да. Келиннинг инсоний ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан ҳар ким ожиз қолаверади. Қизини яхши умидлар билан узатиб қолган ота-онаси эса никоҳни қайд қилдирмаслик оқибатида бундай ҳолларда, қўпол қилиб айтганда, ўз қизининг вужудини маълум муддатга «куёв» йигитга нақ сотаётганлигини фаҳмламайди ҳам. Чиққан қиз чиғриқдан нари дегандай, оиласига энди аввалги тарзда қабул қилолмагани қиз учун яна бир фожиадир. Ажабо, нега никоҳни орқага сурганларга қиз томонда шубҳа уйғонмаслиги керак?!

Шу ерда ҳам ўзбекчилик панд беради. Европада келин-куёв фарзанд кўришдан олдин болани боқиш, ўқитиш, ҳунарли қилиш учун пул-маблағ жамғаришади. Улар ўғилни «меросхўрим» дея эркалатиб, қизни «бу сени аканг, унга бўйсунишинг керак» эмас, «бир-бирингни хафа қилманг, ҳаммангни бирдек кўраман» деб тарбиялашади. Табиийки, оиладаги тенглик ҳуқуқи уларда ҳуқуқий маданиятнинг эрта шаклланишига олиб келади ва улар ҳаётда ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қила оладилар. Бу отанонанинг кейинчалик содир бўлиши эҳтимол тутилган ортиқча ташвиш ва изтироблардан ҳам халос қилмайдими?!

ОМОНАТ

Яна бир жиҳатга эътибор қилайлик: илғор мамлакатларда оилавий турмуш тарзига назар ташласангиз, кўпчилик хонадон соҳибларининг банкда ўз ҳисоб рақами бўлишини кузатасиз. Ҳар ойда оила даромадидан рафиқаси (ҳеч қаерда ишламайдиган уй бекаси бўлса ҳам), баъзан фарзандлар номидаги ҳисоб рақамига пул ўтиб туради. Бу маблағни улар истаганга тасарруф этишлари, ўғли ёки қизи хоҳласа, алоҳида уй олиб яшаши мумкин. Айни чоғда аёли, ўғил-қизининг ўзи ишлаб топгани фақат ўзиники ҳисобланади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, моддий ва маънавий жиҳатдан бировга қарам бўлмаслик инсонда яшашга, меҳнат қилишга, бошқача қилиб айтганда, ўзини ўзи эплашига иштиёқ уйғотади. Унинг онгида янги-янги ғоялар туғилади. Бундай қарашлар бизнинг кишиларимизда ҳам шаклланганида, аёллар «бугун эрим қандай кайфиятда келаркин, бу ишим қайнонақайнотамга ёқармикин, қўшниникига қандай тоғора қилиб чиқсам экан?» каби кераксиз ўйлар билан андармон бўлиб, ўзи-ўзлиги ҳақида ўйлашни чорасиз унутиб қўйишмасди. Балки уларда жамият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатадиган илғор ғоялар юзага чиқиши мумкин бўларди америкалик ўзимизнинг Зулфия Назарга ўхшаб. Эркаклар ҳам фақат пул топиш, чойхонаю улфатчиликда кунини ўтказишни ўйлабгина қолмай, балки оиласи билан кўпроқ бўлиш фақат «кўча одами» бўлмай, оила аъзоларининг муаммолари, маънавияти билан ҳам қизиқармиди. Ўғилми-қизми, энг аввало, эркин фикрли, ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниган, ўқимишли, баркамол шахс қилиб камол топтиришга ҳамма бирдай ҳаракат қилганларида, ўйлайманки, ҳатто жамиятимизда демократиянинг қарор топиши кескин тезлашган бўларди. Бу барчанинг, жамиятнинг чинакам фойдаси эмасми? Бинобарин, оилада тенг ҳуқуқлилик, демократия бўлмас экан, ҳуқуқий демократик жамият қуриш ҳақидаги ғоялар, лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этиш мушкул кечади.

Биз идеаллаштириб юборган «ўзбекчилик» кўп ҳолларда оила ва жамият ривожига, ўзимизга ана шундай бир тушов каби бўлиб қолаётгани ҳақида ўйлаб кўрадиган пайт етган. Бу тушовни асрлар бўйи яратиб келган ўзбекларнинг ўзигина уни ечмоғи, ўғил-қизини тенглик руҳида ўстириши, «биров нима дейди» деган андишадан йироқ тутиши ҳамманинг бирдай манфаатига хизмат қилади. Маҳобат қилиб тўй-томоша, маросим, меҳмондирчиликка қилинадиган ортиқча сарф-харажатларни чеклаш, тараққиётга тўсиқ бўлаётган сохта «урф-одатлар»дан воз кечиш, дунёвийлашиш пайти. Бу четдан биров қилиб берадиган жараён эмас. Ўз ҳаётида, ишида қонунларга мос ҳаракат қиладиган фуқароларгина ўзларига муносиб жамиятни қурадилар. Чинакам миллийлик — шу аслида, миллатни бахтиёр қиладиган аъмол ҳам шудир. Афсуски, ортиқча урф-одатларни миллийлик деб биладиган, «ўзбекчилик» тарзида уларни гўё ўз шаънини ҳимоя қилгандай қарайдиган эркаклар буни англаб етиши жуда қийин бўлиб қолган. Фарзандларига адолатли муносабатда бўлиш ўрнига ўғлини арзанда, қизини «омонат» қилиб ўстирадилар. Айниқса, қизи вояга етгач, «ўраб-чирмаб» узатиб олса, бас, оталик бурчини бажариб бўлгандай у ёғига «бахтингни ўзи берсин» деб таваккал қилганча қолади. Қизиқ, нега қизлар турмушга чиқаётганда ичикиб-ичикиб йиғлашади? Нега?... Бу ҳам тўлалигича урф-одатмикин?

Саломат ҚУЗИЖОН
(Давоми бор)

ОХИРГИ СЎЗ:

Сеча(чумчуқ)нинг бахти бўлса, онасининг сути бўлмасмиди?..

Тўрт қатор

КЎРШАПАЛАК ВА МИЛЛИАРДЛАР

* Олимлар...

Ернинг магнит майдонини 1839 йилдан бери мунтазам суратда ўлчаб борадилар. Ер магнит майдонининг кучи ҳар йили 0,05 фойизга камайиб борар экан. Агар аҳвол шундай давом этадиган бўлса, тахминан 2000 йилдан сўнг ернинг магнит майдони барҳам топади.

* Инглиз олимлари Жонс ва Слип бошқа қуёш системаларида очилган 90 та сайёрани ўрганиш натижасида шундай хулосага келдиларки, бизнинг Галактикамизда худди бизнинг Ер сайёрамизга ўхшаш миллиарддан ортиқ планеталар мавжуд. Ана шу планеталарнинг ҳаммасида ҳам баайни Ер юзидаги каби ҳаёт бўлиши мумкин.

* Кўршапалаклар кеч қоронғуси тушиши билан учгани ҳавога кўтариладилар. Улар чарх уриб парвоз қилар эканлар, ўз парвозларини қанотлари билан бошқариб борадилар. Улар ҳайратомуз тарзда шундай енгил ва тез учадиларки, тиккасига юқори кўтарилиб, тиккасига пастга шўнғий оладилар. Ҳозирча инсоният бундай чаққонлик ва маҳоратга неча миллиардлаб пул сарфлаб ҳам эришолмаяпти. Кўршапалаклар қоронғу осмон қаърларига баланд кўтарилиб, ҳаводаги кўзга кўринмас чивинларни овлайдилар. Кўршапалаклар бундай ов пайтларида учиш тезлигини баъзан соатига 50 чақиримга етказадилар. Улар эшитиш ва ташқи сигналларни қабул қилиш ва уларга акс садо бериш қобилиятлари шу қадар ривожланганки, зимзиё қоронғулик ичида пар каби тўсиқни ҳам илғаб оладилар ва уни шитоб билан четлаб ўтадилар. Кўзга кўринмас ҳашаротларни ҳам катта тезликда учиб бора туриб бехато овлайдилар. Кўршапалаклар биноларнинг қоронғу, тинч, овлоқ болохоналарида, чердакларда, айвонларнинг қўл етмас тирқишларида истиқомат қиладилар. Кўршапалаклар худди қалдирғочлар каби турли чивинлар, ҳашаротларга қирон келтирадилар.

* БМТ Экология дастурининг хизматчилари Ер юзида энг баланд музтоғ бўлмиш Ҳимолойнинг кўз илғамас чўққиларида музлар эрий бошлаганлигини қайд этдилар. Мангу муз-ликларда ҳаво илий бошлаганлигини кузатдилар. Ҳимолойда ҳозир ҳавонинг даражаси бундан 30 йил илгаригига қараганда бир даражага илиган. Олимларнинг космосдан туриб олинган суратларга қараб айтишларича, Непал ва Бутан ўлкаларидаги мангу музликлар йилига 30-40 метрга чекиниб бормоқда. Бу қўллар ва дарёлар сувларининг ортиқ даражада тошишига олиб келмоқда.

Дунё муз океанлари эрий бошласа, нима бўлар экан а?

«МТ» жавонхонасидан.

Milliy Tiklanish
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ўткир ҲОШИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Шарифа САЛИМОВА, Ойдин ҲОЖИЕВА, Мунира ҚОРИЕВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Гуландом БОҚИЕВА, Дилором МАТКАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари)

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 211.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотувда нархи эркин.
Саҳифаловчи: Р.Исмаилова
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Адади: 2082 нуска

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси — 30 уй.
Телефон 144-81-28.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Музаффар АБДУШУКУРОВ

Босишга топширилди 19.30